

10
(1328)-son
8-mart
2018

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОҢДА:

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Автомобил
транспортини бошқариш
тизимда АКТдан кенг
фойдаланилади **2-бет**

MWC 2018

Тақдимотлар,
намойишлар,
таассуротлар **3-бет**

ОСНОВАТЕЛЬ "OPENBUCKS"

даст рекоммендации
MUIS по вопросам
экспорта IT-услуг
резидентов **6-бет**

КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ

Компютерни ўчириш,
ёқиш, қайта юклаш **11-бет**


ВОҚЕА

Нега ўғри 26 миллион
долларни қайтарди?
12-бет

АМЕРИКАНИНГ ЭНГ САХИЙ КИШИЛАРИ

Улар IT-бизнес
вакиллари **16-бет**

Ижтимоий тармоқлар
ва мессенжерлар
мамлакат бўлганида...



ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ КЕНГ РИВОЖЛАНАДИ?



4-5-бетлар ▶

Мукофот муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 мартдаги "8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармонида кўра, юртимизнинг ишлаб чиқариш тармоқлари, тadbirkorлик, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларида самарали меҳнат қилиб келатган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар қаторида "Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Коммуна Наринбаевна ИРИСБЕКОВА "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

"АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЗДОШЛАРИ"

номли анъанавий
кўрик-танлов ташкил қилинади



Ўзбекистонда 10-11-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика ҳамда информатика фанлари бўйича "Ал-Хоразмий издошлари" номли анъанавий кўрик-танлов ташкил қилинади. Танлов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилади. **3-бет ▶**

▶ ИНСПЕКЦИЯДА КИТОБ БАЙРАМИ

САККИЗИНЧИ МАРТ УЧУН ЭНГ ЯХШИ СОВФА

Бугун мамлакатимиз маънавий оламида янги тўлқин бошланди. Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган тadbirlar ўзининг илк натижаларини намойн қилмоқда. Фарзандларини турли техника дўконларига бошлаб борадиган ота-оналарнинг йўли китоб оламларига бурилаётгани қувонарли.

Жорий йилнинг 5 март куни Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясида "Китоб — маънавият ўчоғи" мавзуида ўтказилган маърифий тadbирда шу фикрлар кўнглимиздан ўтди. Фафур Фулом нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда мазкур нашриёт томо-



нидан чоп этилган 250 номдаги асарлар, шунингдек, бошқа нашриётларнинг сара китоблари китобхонларга элтилди. Сайёр китоб савдосида бадий, саргузашт жанрдаги асарлар, шеърый тўпламлар, диний адабиётлар, болалар учун эртақлар, топишмоқлар, чет эл адабларининг таржима асарларига қизиқиш катта бўлди.

15-бет ▶

▶ РЕКЛАМА

ALSKOM
SUG'URTA KOMBANIASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

(371) 147 11 00

ХИМАТЛАР ЛИВЕНЛИКЛИГИ

**ЯККА ТАРТИБДАГИ
БАХТСИЗ
ХОДИСАЛАРДАН
СУГУРТА**

2 | ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДА АКТдан КЕНГ Фойдаланилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март кuni "Автомобил транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.



ва функциялар бажарилишининг тезкорлиги ва сифатини оширишга ҳамда кўрсатилган интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришга имкон яратувчи "Ўзавтотранс" агентлиги фаолиятининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш белгиланди.

Автомобил транспортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади

Жойлардаги маҳаллий давлат органлари қарамоғида бўлган умумий фойдаланиш йўловчи йўналишларидаги тўхташ бекатларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш кўзда тутилган.

Соҳани янада ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадлари учун Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлигининг Автомобил транспортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Автомобил транспорт соҳасини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибидаги 3та (Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи) "Ўзавтотранс" агентлиги таркибига ўтказилди.

"Ўзавтотранс" агентлиги қошида автомобилда йўловчилар ёки юклар ташиш, транспорт-логистика фаолиятини амалга оширувчи мустақил иктисослашган, юридик шахс ҳуқуқлари билан унитар корхоналар ташкил этилади.

Автотранспорт воситаларининг оғирлик ва габарит кўрсаткичлари назоратини жорий этиш бўйича стационар ва кўчма масканларни амалда жорий этиш чора-тадбирлари режалаштирилмоқда.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва тартибга солиш функцияларини аниқ белгилаб олиш, ташкилий ва институционал ўзгартиришлар, хизмат кўрсатиш бозори ҳамда автомобиль ташкилчилари хавфсизлигини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ҳал этишда махсус ваколатли давлат органи ҳисобланган Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги фаолияти самардорлигини оширишга имкон яратади.

Автомобил транспортини ривожлантиришнинг асосий йўналиши

Сўнги йилларда республика иқтисодиёти ва аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Йўловчи ташиш йўналишлари тармоғи қўлами 1,4 бараварга ортди, республика бўйича 117та йўловчи автовокзали ва автостанцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракатдаги таркибни замонавий, қўлай автобуслар, микроавтобуслар, юк автомобиллари билан янгиллаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, ташкилчилар хавфсизлиги чораларини кучайтириш ҳисобига аҳолининг автомобиль ташишларида эҳтиёжини имкон қадар тўлақонли таъминлаш автомобиль транспортини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир.

Соҳада АКТ етарли даражада жорий этилмапти

Шу билан бир қаторда, автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва захираларидан тўлқ ҳажмда фойдаланилмапти. Автотранспорт хўжаликлари модернизация қилиш замонавий талаблар даражасида эмас, соҳада ахборот-коммуникация технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимлари етарли даражада жорий этилмапти, автотранспорт хизматлари экспорти-импорти ва транзит салоҳиятидан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Агентлик қайтадан номланди

Қарорга кўра, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспор-

ти агентлигининг дарё транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича ваколати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги ("Ўзавтотранс" агентлиги) этиб қайта номланди.

2018-2021 йилларда 437та янги йўловчи йўналишларини ташкил этиш ҳамда 84та автовокзал ва автостанцияни қуриш ва реконструкция қилишнинг, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг республика чекка минтақаларида ташишларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янгиланган мақсадли кўрсаткичлари, шунингдек, юкларни халқаро автомобилда ташишларни амалга оширувчи миллий ташувчиларнинг оғир юк ташувчи 3824та автотранспорт воситалари паркинни янгиланишнинг прогноз кўрсаткичлари белгилаб олинди.

АКТни жорий этиш Дастури тасдиқланди

Қарорга биноан, автомобиль транспортини бошқариш тизимига интеллектуал транспорт тизими инновация лойиҳаларининг зарур элементларини жорий этишни назарда тутувчи, умумий қиймати тахминан 90 миллиард сўмни ташкил этувчи ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланди, жумладан:

■ умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташишларни амалга оширишни онлайн тарзда автоматлаштирилган мониторинг қилиш тизимини тезкор хизматлар тизимлари билан интеграллашган ҳолда яратиш ва жорий этиш;

■ умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар транспортини ягона автоматлаштирилган йўл ҳақи тўлови тизимини жорий этиш;

■ белгиланган вазибалар

Қарорга биноан, автомобиль транспортини бошқариш тизимига интеллектуал транспорт тизими инновация лойиҳаларининг зарур элементларини жорий этишни назарда тутувчи, умумий қиймати тахминан 90 миллиард сўмни ташкил этувчи ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март кuni Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Байрам Аннамередовни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март кuni Тошкент халқаро аэропортида Германиянинг "Манголд Консалтинг" компанияси бошқаруви раиси Клаус Манголд билан учрашди. Учрашувда Германия компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини очиб, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, савдо-сотиқ ва қўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишни ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 март кuni Навоий вилоятида бўлди.

Тошкентда 5 март кuni Ўзбекистон — Россия вазирликлараро мулоқоти доирасида ишчи гуруҳларнинг учрашувлари бўлиб ўтди. Томонлар икки мамлакат миқдорий иқтисодиётининг ҳолати тўғрисида маълумот алмашиб, Россия — Ўзбекистон муносабатларининг ривожланиши ҳамда молия соҳасидати ўзаро шериклик истиқболларини белгилаб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март кuni икки томонлама идоралараро маслаҳатлашувлар ўтказиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон Силуановни қабул қилди. Учрашувда молиявий соҳадаги самарали мулоқотни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг тақлифига биноан 2018 йил 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан Тожикистонда бўлди. Олий даражадаги музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги ва ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини осонлаштириш масалалари муҳокама қилинади, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади. Музокаралар якундари бўйича Президентларнинг Қўшма баёноти, Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартнома, Фуқароларнинг ўзаро қатнови тўғрисидаги битим, шунингдек, турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилган жами 25дан ортқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

"АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЗДОШЛАРИ" НОМЛИ АНЪАНАВИЙ КЎРИК-ТАНЛОВ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

◀ 1-бет

Кўрик-танловнинг асосий мақсади буюк олим ва математик Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий меросини тарғиб қилиш, ёш авлоднинг аниқ фанларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, уларга салоҳиятларини намойиш қилишлари учун зарур шароитларни яратиб беришдан иборат.

Кўрик-танлов апрел ойида старт олади ва уч босқичда ташкил қилинади. Биринчи босқичда иштирокчилар ўз мактабларида математика, физика ҳамда информатика фанларидан онлайн усулда имтиҳон топши-



радилар. 80дан юқори балл тўплаган ёшлар танловнинг кейинги босқичига йўл олиша-

ди. Иккинчи босқич минтақавий шаклда бўлиб ўтади ва иштирокчилар учал фанга доир

жами 9та топшириқни бажаришади. 100 баллик имкониятдан 75 балл тўплаганлар сўнгги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Тошкент шаҳридаги ИНХА университетига ўтказиладиган сўнгги босқичда танлов қатнашчилари эътиборига математика, физика ҳамда информатика фанларига доир 15та вазифа ҳавола қилинади.

Танловда энг юқори балл тўплаган олти нафар ғолибга "Ал-Хоразмий издошлари" танловининг дипломи ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 65 баробаридан 100 баробаригача миқдорда пул мукофоти топширилади.

▶ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

MWC 2018 – ТАҚДИМОТЛАР, НАМОЙИШЛАР, ТААССУРОТЛАР

“**Форум 5G, Business-to-Business каби мобил хизматларнинг истиқболли йўналишларини ўзида қамраб олди. Мавзулар доирасида қизиқарли инновацион ишланмаларни ҳаётга жорий этиш, бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича фикр алмашилди.**”

Жорий йилнинг 26 февралдан 1 мартга қадар Испаниянинг Барселона шаҳрида Mobile World Congress 2018 – ахборот технологиялари соҳасидаги янги мобил технологиялар ва ечимларга бағишланган MWC 2018 анжумани бўлиб ўтди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги дунёнинг энг йирик тadbиринга IT соҳасида фаолият юритувчи нуфузли дастурий таъминот компаниялари раҳбарлари, соҳанинг таниқли вакиллари, тadbирчиликчилар, телефон ва қурилма ишлаб чиқарувчилар, ускуналар етказиб берувчилар ташриф буюрди.

Дунёнинг 208 мамлакатидан 300 мингга яқин меҳмонлар ва 140 мамлакат делегацияларини ўзида жамлаган тadbирда инновацион технологиялар соҳасидаги энг янги ишланмалар, қурилмалар, жиҳозлар намойиш этилди.

MWC 2018 анжуманида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси вакиллари ҳам Ўзбекистон делегацияси таркибида иштирок этди.

Инспекция ходимларида кўرғазма доирасида ташкил этилган аудио-визуал ва интернет хизматларини ривожлантириш истиқболларига оид семинарлар катта таассурот қолдирди.



Форум 5G, Business-to-Business каби мобил хизматларнинг истиқболли йўналишларини ўзида қамраб олди. Мавзулар доирасида қизиқарли инновацион ишланмаларни ҳаётга жорий этиш, бу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича фикр алмашилди.

Ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда биз-

нес учун қулайликлар яратиш, технологияларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича муҳокамалар ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, MWC 2018 тadbирлари 800га яқин мобил операторларни ўзида бирлаштириб, соҳа келажагини таъминловчи стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда

муҳим аҳамият касб этади.

Инспекция ходимлари томонидан форум доирасида ташкил этилган тadbирлар, янгиликлар, илгор ишланмалардан ҳамкасбларимизни кенг хабардор қилиш бўйича тақдимот материаллари ишлаб чиқилмоқда.

Рустам БОЛТАЕВ,
инспекция бўлим бошлиғи

▶ МАЪРИФАТ ДАРСИ

ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

Маълумки, Президентимиз Ш.Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 март куни Навоий вилоятига ташриф буюрган эди. Давлат фелдъегерлик хизматида ушбу ташриф мазмун-моҳиятига бағишлаган "Халқ фаровонлиги йўлидаги лойиҳалар ижроси Президент назоратида" мавзуида маърифат дарси бўлиб ўтди. Унда

Навоий вилояти ўзининг меҳнаткаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллаши таъкидланди.

Маърифат дарсида Президент ташриф давомида вилоятнинг Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари ва Зарафшон шаҳрида бўлиб, у ердаги жамоатчилик вакиллари, оқсоқоллар, ёшлар, тadbиркорлар билан қилган мулоқотида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, яра-

тилаётган улкан имкониятлар, ён қўшниларимиз билан дўстона алоқалар фаоллашга тгани, одамларни иш билан таъминлаш, энг чекка туманларида сув манбаларини топиш ҳисобига аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси каби масалалар кўтарилгани шахсий таркиб билан кенг муҳокама қилинди. Шу куни вилоят фаоллари иштирокидаги йиғилишда вилоят иқтисодийетини юксалтириш, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари

яратишга эътиборни кучайтириш, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, аёллар ўртасида жиноятчиликни камайтириш каби қатор долзарб масалалар муҳокамаси, одамларнинг муаммо ва тақлифлари бўйича мутассадиларга Президент томонидан тегишли топшириқлар берилгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

С.ЖЎРАЕВ,
ДФХ бўлимчиси бошлиғи

ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ЭЛЕКТРОН



Бугунги кунда дунё бўйлаб интернет фойдаланувчиларининг сони тўрт миллиарддан ортган бир пайтда “виртуал иқтисодиёт” ибораси остида янги турдаги сифат намоён бўлиб, ўз ўрнини тобора мустақамлаб бормоқда. Унда харидлар бизнес юритишнинг янги усулларидан фойдаланилган ва ўзининг маркетинг стратегиясига эга ҳамда бошқа кўплаб имкониятларни қўллаган ҳолда савдо сайтлари орқали амалга оширилади.

Фарб мамлакатларида ЭТда етакчи поғонани B2B сектори эгаллайди

Дастлаб ўз бизнесини интернетга ўтказган компаниялардан аппарат-дастурий воситаларни сотувчи ва компютер ҳамда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчилар афзалликларга эга бўлдилар.

Ҳар бир интернет-дўкон иккита асосий қисмдан иборат бўлади: электрон витрина ва савдо тизими.

Электрон витрина веб-сайтда сотилаётган маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни сақлайди, дўкон маълумотлар базасига киришни таъминлайди, харидорларни рўйхатга олади, сотиб олувчининг электрон “саватчаси” билан ишлайди, буюртмаларни расмийлаштирилади, маркетинг маълумотларини тўғрайди, маълумотларни савдо тизимига тақдим этади.

Савдо тизими маҳсулотни етказиб беради ва унинг тўлови учун ҳужжатларни расмийлаштирилади.

Интернет-дўконнинг ишлаш технологияси

Харидор электрон витринадаги маҳсулот (хизмат)лар ва нархлар каталогидан (веб-сайт) керакли маҳсулотни танлаб олади ҳамда шахсий маълумотлар киритилган шакл (исми, шарифи, отасининг исми, почта ва электрон манзил, етказиб бериш ва тўловнинг афзал усули)ни тўлдира-

ди. Агар тўлов интернет орқали амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда унинг ахборот хавфсизлигига алоҳида эътибор бериледи.

Расмийлаштирилган маҳсулот интернет-дўконнинг савдо тизимига топширилади ва бу ерда буюртма комплектация қилинади. Савдо тизими қўлда ёки автоматлаштирилган усулда фаолият юритеди. Қўлда бажариладиган тизим автоматлаштирилган тизимни сотиб олиб, йўлга қўйишнинг имкони мавжуд бўлмаган ҳолда, оддий почта жўнатмалари таъминоти бўйича ишлайди.

Маҳсулотни етказиш ва тўловини амалга ошириш

Харидорга маҳсулотни етказиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- шаҳар ва унинг атрофларидаги дўкон курери томонидан;
 - ихтисослаштирилган курерлик хизмати (шу жумладан, хорижий) томонидан;
 - почта томонидан;
 - харидорнинг ўзи олиб кетиши;
 - телекоммуникация тармоқлари орқали.
- Маҳсулот учун тўловлар қуйидаги усулларда амалга оширилади:
- аввалдан ёки маҳсулотни олган вақтда;
 - курьерга ёки ҳақиқий дўконга келганда нақд пул билан;
 - почта ўтказмаси билан;
 - банк ўтказмаси орқали;
 - кредит карта (VISA, MASTER CARD ва ҳоказо)лар ёрдамида;

■ алоҳида тижорат банклари орқали электрон тўлов тизимлари воситасида.

Ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойда

Охириги вақтда электрон тижорат ёки интернет орқали савдо дунё бўйлаб анчагина шиддат билан ривожланиб борапти. Табиийки, ушбу жараён кредит-молия ташкилотларининг бевосита иштирокида амалга оширишмоқда. Савдонинг ушбу тури тобора кенг қамровга эга бўлиб бораётти. Айниқса, корхоналар ва аҳоли гавжум жойларда янги электрон бозор кенг оммалашаяпти.

Электрон тармоқлардаги тижорат фаолияти баъзи жисмоний чекловларни бартараф этади. Компаниялар ўз компютер тизимларини интернетга улаб, мижозларига қуно тун, дам олиш кунларисиз хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Маҳсулотга буюртмалар ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойдан қабул қилиниши мумкин.

Компютер соҳасидаги жиноятчилик халқаро муаммо даражасига кўтарилган

Бироқ, ушбу масаланинг яна бир томони бор. Хорижда, электрон тижорат кўпроқ ривожланиб бораётган давлатларда олди-сотди шартномалари ёки маҳсулотларнинг қиймати кўп ҳолатларда 300-400 доллар билан чекланиб қолмоқда. Бу компютер тармоқларидаги ахборот хавфсизлиги муаммоларининг етарли даражада ҳал этилмаётганиги билан изоҳланапти. БМТ жиноятчиликнинг олдини олиш ва курашиш қўмитасига кўра, компютер соҳасидаги жиноятчилик халқаро муаммолар даражасига кўтарилган. АҚШда жиноятчиликнинг ушбу тури даромадлилик бўйича қурол ва наркотик моддалар савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллаб улгурган.

Бундай кенг диапазон электрон тижоратнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради. Агар хавфсизлик даражаси бугунги ҳолатгаддек сақланиб турса, у ҳолда электрон тижоратнинг дунё

айланмаси янада камайиши мумкин. Бу ҳолда, айнан электрон тижорат тизимининг паст даражада ҳимояланганлиги, электрон тижоратнинг ривожланишини тўхтатиб турувчи омил эканлигини намоён қилади.

Бизнес-жараёнларнинг интернет муҳитига интеграциялашуви хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг кескин ўзгаришига олиб келади. Электрон ҳужжат асосида ҳуқуқ ва жавобгарликнинг пайдо бўлиши, ҳам ҳужжат жўнатувчини, ҳам қабул қилувчини барча хавфлар мажмуасидан ҳар томонлама ҳимоялашни талаб қилади.

Афсуски, электрон тижорат корхоналарининг раҳбарлари ахборот хавфларининг жиддийлигини ва ўз ресурслари ҳимоясини ташкил қилишнинг муҳимлигини ахборот ҳужумларига дучор бўлганидан сўнг англамоқдалар. Қўриниб турганидек, барча санаб ўтилган тўсиқлар ахборот хавфсизлиги соҳасига тегишли.

Электрон бизнес хавфсизлиги соҳасидаги асосий муаммолар

Тижорат амалиётларини ўтказишга бўлган асосий талаблар — конфиденциаллик, яхлитлик, аутентификация, авторизация, кафолатлар ва сир сақланиши.

Ахборотнинг хавфсизлигига эришишда унинг очқлиги, конфиденциаллиги, яхлитлиги ва юридик аҳамиятини таъминлаш базавий вазифалар ҳисобланади. Ҳар бир хатар хавфсиз ахборотнинг ушбу тўртта хусусияти ва сифатига зарар етказиши мумкинлиги нуқтан назаридан кўриб чиқиши зарур.

Конфиденциаллик очқлиги чекланган маълумот, унга фақат ушбу маълумот етказилиши мўлжалланган шахс кириш ҳуқуқига эга эканлигини билдирилади. Маълумотнинг яхлитлиги остида унинг ўзгартириб бўлмас ҳолда бўлиши хусусияти тушунилади. Маълумотнинг очқлиги тизимнинг, ваколат бўлган субъектларга маълумотга тўсиқсиз кириш ҳуқуқи билан таъминлаш хусусияти орқали белгиланади. Маълумотларнинг юридик аҳамияти охириги вақтда мамлакатимизда ахборот хавфсизлигига оид норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши билан биргаликда ортиб бормоқда.

Электрон тармоқлардаги тижорат фаолияти баъзи жисмоний чекловларни бартараф этади. Компаниялар ўз компютер тизимларини интернетга улаб, мижозларига қуно тун, дам олиш кунларисиз хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Маҳсулотга буюртмалар ҳар қандай вақтда, ҳар қандай жойдан қабул қилиниши мумкин.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ (ЭТ) – БУ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ СОТИШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ОДАТДА ЭТНИНГ ИККИ ШАКЛИ АЖРАТИЛАДИ:

- корхоналар орасидаги савдо (B2B);
 - корхоналар ва жисмоний шахслар, яъни истеъмолчилар орасидаги савдо (B2C).
- ЭТ соҳасидаги интернет жуда катта фойда келтиради:**
- йирик хусусий компаниялар томонидан хомашё ва бутловчи қисмларнинг сотиб олиниши интернет-биржалар орқали амалга ошириладигани эвазига маблағни иқтисод қилиш миқдори 25-30 фоизга етади;
 - аукционда бутун дунёдан рақобат қилувчи етказувчиларнинг иштирок этиши вақтнинг реал тартибда улар томонидан тақдим қилинадиган маҳсулот ва хизматлар нархларининг пасайишига олиб келади;
 - бутун дунёдан сотиб олувчиларнинг рақобати натижасида сотиладиган маҳсулот ёки хизматларнинг сифати ошади;
 - ходимлар сонининг қисқариши ва қоғоз ҳужжатлар билан ишлаш ҳажмининг камайиши ҳисобига иқтисод қилинади.

ТИЖОРАТ КЕНГ РИВОЖЛАНАДИ?



Комплекс ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасида, авваломбор, ўз ичига навбатдагиларни оловчи электрон бизнес хавфсизлиги соҳасидаги асосий муаммоларни ажратиш лозим: алоқа каналлари орқали узатилаётган маълумотларни ҳимоялаш; компьютер тизимлари, маълумотлар базалари ва электрон ҳужжат айланиши ҳимоялаш; маълумотни узоқ вақт давомида электрон кўринишда сақлашни таъминлаш; транзакциялар хавфсизлигини таъминлаш, тижорат маълумотининг махфийлиги, аутентификация, интеллектуал мулк ҳимояси ва бошқалар.

Электрон тижоратга йўналтирилган хавфлар

- Тизимга ташқаридан кириш.
- Компания ичида ноқонуний кириш.
- Ахборотни қасдан ўғирлаш ва ўқиш.
- Маълумотларни ёки тармоқларни қасдан бузиш.
- Фойдаланувчининг нотўғри (фирибгарлик мақсади билан) идентификациялаш.
- Дастурий-аппарат ҳимоясини бузиш.
- Фойдаланувчининг бир тармоқдан бошқасига ноқонуний кириши.
- Вирусли ҳужумлар.
- Хизмат кўрсатишдан бош тортиш.
- Молиявий фирибгарлик.
- Ушбу хавфларга қарши турли технологиялар асосланган бир қатор усуллардан фойдаланилади, булар: шифрлаш – маълумотларнинг ўқилиши ёки ўзгарилишига тўсқинлик қилиш учун кодлаш; жўнатувчи ва оловчи шахсининг ҳаққонийлигини текширувчи электрон имзолар; электрон калитлардан фойдаланидиган stealth-технологиялар; брендмауэрлар, виртуал ва хусусий тармоқлар.
- Ҳимоялаш усулларидан биронтаси ҳам универсал ҳисобланмайди, масалан, брендмауэрлар вируслар мавжудлигига текшириш ўтказмайди ва маълумотлар яхлитлигини таъминлашга ҳодир эмас. Автоматик ҳимояни бузишга қарши қаратилган мутлак ишончли усул йўқ, у буни бузиш эртани-кечми амалга оширилади. Бироқ бундай ҳимоянинг бузилиши, ўз ўрни-

да, унинг сифатига боғлиқ. Эътироф этиш керакки, интернетдаги уланишлар ва иловаларнинг ҳимояси учун дастурий ва аппарат таъминотлар кўп вақтдан бери ишлаб чиқилмоқда, бироқ ушбу янги технологиялар бир маромда жорий қилинмаяпти.

Компанияни ҳар бир босқичда кутиб турадиган хавфлар

Электрон дўкон серверининг web-саҳифасини алмаштириб қўйиш (сўровларни бошқа серверга йўналтириш), бу ҳолат мижоз ҳақидаги маълумотларни, айниқса, унинг кредит карталари ҳақидаги маълумотларни бегона кишилар учун очиб бўлишни таъминлайди. Шунингдек,

- сохта буюртмаларни яратиш ва электрон дўкон ходимлари томонидан фирибгарликларнинг турли шакллари амалга ошириш, масалан, маълумотлар базалари билан манипуляциялар (статистика, компьютер ноҳуш ҳодисаларининг ярмидан кўпи ўз ходимлари фаолиятлари билан боғлиқ эканлигига гувоҳлик беради);
- электрон тижорат тармоқлари орқали узатиладиган маълумотларни ўғирлаш;
- ҳуқуқбузарларнинг компания ички тармоғига кириб келиши ва электрон дўкон компонентларини шубҳа остига қўйиш;
- “хизмат кўрсатишдан бош тортиш” каби хуружларни амалга ошириш ва фаолиятни тўхтатиш ёки электрон тижорат тармоғини ишдан чиқариш.

Бундай хавфларнинг юзага чиқиши натижасида компания ўз обрўини ва мижозлар ишончини, потенциал ёки амалга оширилмаган келишув ва битимлардаги пулни йўқотади, электрон дўкон фаолияти бузилади, фаолиятни тиклаш учун вақт, пул ва одам ресурсларини сарфлайди.

Албатта, интернет орқали узатиладиган маълумотларнинг ўтирилиши билан боғлиқ таҳдидлар фақат электрон тижорат соҳасига тааллуқли эмас. Бироқ ушбу соҳанинг тизимларида муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кредит карталарининг рақамлари, банк ҳисоб рақамлари, шартномалар мазмуни ва бошқа маълумотларнинг айланиши алоҳида ўрин тутди.

Электрон бизнесдаги ноҳуш ҳодиса фақат ички муаммо эмас

Бир қарашда ҳар бир ноҳуш ҳодиса – электрон бизнес субъектининг ички ишидек туюлиши мумкин. Бироқ, фаолият ҳақиқатан ҳам умуммиллий характерга эга бўлган Yahoo!, eBay, Amazon, Buy, CNN, ZDNet, Datek ва E*Trade каби электрон бизнес етакчи серверларининг оммавий ишдан чиқиши ҳолатини ёдга олайлик. Федерал қидирув бюроси (FBI) томонидан ўтказилган текширув, ушбу серверлар DoS-ҳужумлари амалга оширилиши натижасида, хизмат кўрсатишга йўналтирилган манзил сўровларнинг миқдори кўпайиб кетганлиги сабабли ишдан чиққанлигини кўрсатди. Масалан, Buy серверига амалга оширилган сўровлар оқими ўртача кўрсаткичлари 24 мартага ошган, чекланганлари эса 8 мартага. Ҳар хил баҳоларга кўра, ушбу ҳаракатлар натижасида Америка иқтисодиёти кўрган иқтисодий зарар ярим миллиардлик рақам атрофида айланади.

Ишончли муносабатлар фундаменти

Хавфсизлигини таъминлаш нафақат электрон бизнесни муваффақиятли юритишнинг зарур шарт, балки контрагентлар орасидаги ишончли муносабатларнинг фундаменти ҳисобланади. Электрон бизнеснинг моҳияти фаол ахборот алмашинуви, транзакцияларнинг ҳимояланмаган очик тармоқ орқали ўтказилишидан иборат бўлади, буларни бизнес субъектлари орасидаги ишончли муносабатсиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун хавфсизлигини таъминлаш комплекс характерга эга бўлиб, у ўз ичига веб-серверлар ва веб-иловаларга кириш, фойдаланувчининг аутентификация ҳамда авторизация қилиш, маълумотлар яхлитлиги ва махфийлигини таъминлаш, электрон рақамли имзонинг амалга оширилиши ва бошқа масалаларни қамраб олади.

Интернетда тижоратнинг ривожланиб бориши сайин тармоқ орқали узатиладиган маълумот-

ларнинг ҳимоялаш масалаларига эътибор кучайиб бормоқда.

Интернет орқали ҳимояланган ҳамкорликни ташкил қилишга мўлжалланган ихтисослаштирилган протоколлар (масалан, SET, SOCKS5, SSL, SHTTP ва б.) бутун дунёда кенг қўлланилган ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан интернет асосида банк ва савдо электрон тизимларини яратиш учун муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Хорижда электрон бизнеснинг ахборот хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилиш билан ахборот хавфсизлиги ва электрон бизнес воситалари етакчилари ҳамда интернет-хизматлар провайдерлари каби компаниялар вакиллари ва экспертларидан таркиб топган жамоат ташкилоти – Internet Security Task Force (ISTF) – мустақил консорциум шугулланади.

Маълумотларни ҳимоялаш асосида электрон рақамни ҳисоблаб чиқариш ва уни бир жуфт тегишли калитлар билан текшириш жарасларининг мантиқий ётади, яъни, фундаментал математик тадқиқотларга асосланган мантиқ. Электрон рақамни фақат ёпиқ калит эгаси ҳисоблаб чиқариши мумкин, ёпиқ калитга мос бўлган очик калит эгаси эса уни текшириши мумкин.


Ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан кимлар шугулланади?

Шубҳасиз, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан ушбу соҳа мутахассислари шугулланиши зарур, бироқ давлат ҳокимияти органлари, шаклдан қатъи назар корхона ва муассасалар раҳбарлари ушбу масалаларни эътибор марказида тутишлари лозим.

Улар учун қуйида ахборот хавфсизлигининг комплекс тизимини ташкил қилишнинг асосий функционал компонентлари келтирилган:

- коммуникацион протоколлар;
- криптография воситалари;
- авторизация ва аутентификация механизмлари;
- умумий фойдаланиш тармоқларидан иш жойларига киришни назорат қилиш воситалари;
- вирусларга қарши комплекслар;
- ҳужумларни аниқлаш ва аудит дастурлари;
- фойдаланувчиларнинг киришини марказлашган ҳолда назорат қилишни бошқариш ҳамда очик тармоқлар орқали маълумотлар пакетлари ва турли иловаларнинг хабарлари билан хавфсиз алмашинув воситалари.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, электрон тижоратнинг ривожланишини қуйидаги сабаблар секинлаштиради:



Ахборот хавфсизлигининг ўн иккита соҳаси

- электрон тижорат инфратузилмасининг мавжуд эмаслиги ёки секинлик билан ривожланиши ва харидорга махсулотни етказиб беришнинг (курерлик хизматлари ва б.) имкони йўқлиги;
 - бу соҳадаги давлат қонунийлик амалиётининг қолоқлиги ва оқибатда электрон шаклда тузилган битимларнинг бажарилишига кафолатларнинг мавжуд эмаслиги ёки заифлиги;
 - тижоратда интернетдан фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарликларнинг ривожланиши учун объектив ва субъектив сабабларнинг мавжудлиги;
 - электрон тижорат лойиҳаларига пухта маркетинг ишлов берилмаслиги;
 - махсулотлар учун тўловларни амалга оширишдаги қийинчиликлар, хусусан, аҳолининг тижорат банкларида ишончли мавжуд эмаслиги.
- Республикада электрон тижорат ривожланиш палласида. Бу йўналиш келгусида иқтисодий таъминотга катта натижалар олиб келишига шубҳа йўқ.

Шоҳрух РАҲМАТ, Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази департаменти бошлиги

ОСНОВАТЕЛЬ «OPENBUCKS»

даст рекомендации MUIS по вопросам экспорта IT-услуг резидентов



Основатель и главный исполнительный директор компании «Openbucks» Марк Рочман

Основатель и главный исполнительный директор компании «Openbucks» (США) Марк Рочман даст практические рекомендации MUIS по упрощению процедур экспорта IT-услуг резидентов и привлечению к сотрудничеству иностранных инвестиционных компаний и венчурных фондов.

Это один из пунктов официального визита американского бизнесмена, эксперта в области электронной коммерции, который пройдет с 8 по 16 марта в рамках совместного проекта Мининфоком и ПРО-ОН «Содействие в развитии эффективного государственного управления и цифровой трансформации».

Программой предусмотрены встречи в Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций, Центре развития системы «Электрон-

ное правительство», Едином интеграторе UZINFOCOM. Их главная цель — обсуждение «дорожной карты», направленной на совершенствование системы информационно-коммуникационных технологий на 2018–2019 годы, и получение практических рекомендаций по ее реализации. Среди других актуальных вопросов — разработка Плана действий по развитию электронной торговли в Узбекистане на 2018–2021 гг., стимулирование технологий бесконтактных платежей, включая использование международных платежных систем PayPal, Alipay, Visa и Mastercard, правовое регулирование электронных денег на территории Узбекистана.

Упрощению процедур экспорта товаров при помощи онлайн-журналов и привлечению иностранных инвестиционных компаний и венчурных фондов

в Узбекистан будут посвящены встречи Марка Рочмана с дирекцией Mirzo Ulugbek Innovation Center. Эксперт выразил заинтересованность в посещении компаний-резидентов инновационного центра, деятельность которых связана с разработкой платежных систем.

Другой вектор визита основателя «Openbucks» — IT-образование. На встрече Марка Рочмана с руководством Университета ИНХА в Ташкенте будет обсуждаться дальнейшее развитие их совместной инициативы «Silicon Valley Talks», которая представляет собой серию онлайн-лекций от экспертов IT-компаний США для студентов и разработчиков Узбекистана. Первая подобная встреча была проведена осенью прошлого года после подписания Меморандума о взаимопонимании между «Openbucks» и вузом. Лек-

тором тогда выступил сам Марк Рочман.

Также запланированы встречи с ректоратом и студентами Ташкентского университета информационных технологий и его филиала в Самарканде.

Для справки:

Компания «Openbucks» основана Марком Рочманом в 2010 году. Она позволяет клиентам оплачивать товары и услуги, используя подарочные карты от розничных магазинов. Openbucks работаем с картами от Subway, CVS Pharmacy, Burger King, Sports Authority, Dollar General, Circle K, Shell Oil Company и другими.

ВСТРЕЧА

Студенты ознакомились с возможностями трудоустройства в компании Huawei



Делегация Huawei Tech Investment Tashkent во главе с генеральным директором компании Ван Пэнном посетила Университет ИНХА в г. Ташкенте (IUT) для проведения презентации компании и возможностей для трудоустройства.

В состав делегации также вошли менеджеры Huawei Tech Investment Tashkent, которые ответственные за различные направления деятельности китайской компании.

Открывая мероприятие г-н Ван Пэн отметил, что он несколько раз посетил Университет ИНХА в г. Ташкенте, но впервые встречается со

студентами ВУЗа.

Поблагодарив за организацию встречи, руководитель Huawei Tech Investment Tashkent рассказал об истории и деятельности китайской компании Huawei, которая сейчас одна из крупнейших игроков рынка информационных технологий и телекоммуникаций.

Также он остановился о деятельности компании Huawei в Узбекистане, где она принимает участие в реализации телеком проектов. Представители Huawei Tech Investment Tashkent рассказали студентам IUT о возможностях трудоустройства в китайской компании.

СОФТ

Разработана программа для дисплея Брайля

Специалисты Туринского политехнического университета в городе Ташкенте разработали программу, направленную на решение проблемы повышения уровня образованности людей с нарушением зрения в Узбекистане.

Программа предназначена для перевода текста, вводимого в программное обеспечение ЭВМ на шрифте Брайля, с активацией линейных активаторов для точек Брайля в ячейки на Дисплее Брайля.

Авторы Кунгатбай Шарипов, Афанасий Ли, Улмас Зоиров, Лазизбек Юсупов и Гулчехрабону Исамова получили свидетельство DGU 04988 на данную программу.

Госкомстат: "На 100 домохозяйств приходится 50 компьютеров"

По итогам 2017 года на 100 домашних хозяйств приходилось 50 персональных компьютеров (в 2000 году этот показатель составлял 0,2 штуки), сообщает на сайте Государственного комитета статистики.

Количество сотовых телефонов в течение 2000–2017 годов увеличилось в 14,4 раз (к концу 2017 года на 100 домашних хозяйств их приходилось 257 штук, то есть по 2,6 мобильных телефона на каждое домохозяйство).

Кроме того, количество телевизоров на 100 домашних хозяйств достигло 154 штук, что в 1,7 раза выше, чем в 2000 году.

8 марта — Международный женский день

ВОСПИТЫВАЯ ИНТЕРЕС К КНИГЕ

Сегодня женщины вносят огромный вклад процветанию нашей Родины, активно трудятся в разных отраслях экономики, в сфере образования и науки, управления и производства. Многие представительницы прекрасного пола работают в хранилищах духовности — библиотечных учреждениях. Заведующая информационно-библиографическим отделом нашего центра Мукаддас Рахимова одна из них.

Мукаддас опа выпускница филологического факультета Хорезмского государственного педагогического института (ныне Ургенчский государственный университет). С 1972 года она трудится в областной библиотеке. Работала библиотекарем,

старшим библиотекарем, с 2006 года возглавляет информационно-библиографическим отделом.

Библиография довольно сложная работа. Специалист, занимающийся этим делом, создает справочно-информационные фонды, производит их техническую и научную обработку, изучает читательский спрос на литературу, проводит экспертизу документации, составляет каталоги. Как утверждают коллеги, Мукаддас Рахимова владеет всеми качествами, которые необходимы библиографу. Она хорошо знает историю, культуру своего края, узбекскую и зарубежную литературу, курс библиотековедения, принципы работы с читателями, воп-

росы хранения и использования научно-технической документации, умеет воспитывать интерес к книге, использовать информационно-коммуникационные технологии в библиотечной работе.

— Я знаю Мукаддас опа с 1979 года. Коммуникабельность, отзывчивость и внимательность, хорошая память и аналитический склад ума — вот главные ее качества, — говорит заведующая отделом комплектования центра Анна Бабаджанова. — Пять лет мы с ней работали в одном отделе. Она моя наставница, многому научила меня. Помогла мне не только в работе, но и в решении жизненных вопросов.

— Мукаддас опа наша самая опытная сотрудница, вот уже 46 лет работает в библиотеке, — говорит заместитель директора областного ИБЦ Мавлуда Курбонбоева. — Качественно выполняя свои обязанности, активно участвует в общественной работе, мероприятиях, организуемых для читателей. Пользуется заслуженным авторитетом в коллективе, передает свои знания молодому поколению библиотекарей.

Всеми уважаемая Мукаддас опа в честь праздника принимает участие в общественной работе, мероприятиях, организуемых для читателей.

Рузйбай КУЛМАТОВ,
библиотекарь Хорезмского областного ИБЦ



АКТ АСОСИДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

САЙЁРАМИЗДАГИ ХАВО БАРЧА ИНСОНЛАРГА ТЕГИШЛИ ЭКАНЛИГИНИ АНГЛАБ ЕТАДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ

Ахборот-коммуникация технологиялари базасидаги электрон ҳукумат, электрон соғлиқни сақлаш, электрон таълим, жамиятни бошқаришда компютер усулларидан фойдаланиш сингари тизимларга аллақачон ўрганиб қолдик. Сўнгги йилларда АКТни қўллаш борасида яна бир истиқболли йўналиш — атроф-муҳитни электрон муҳофаза қилишни ишлаб чиқиш бошланди. Бу соҳа ривожланиши эндигина бошлади, аммо АКТ асосида экологик назоратни амалга ошириш давлат бошқарувидаги электрон тизими сингари унчалик мураккаб эмас.

Иқлим ўзгаришлари билан тўқнашув

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, атроф-муҳитнинг ифлосланиши оқибатида келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳар йили сайёра-мизда камда беш ярим миллион киши вафот этади. 2050 йилда бу рақам 6 миллион кишига ортиб кетиши айтилмоқда. Шундан тенг ярми Ҳиндистон ва Хитой ҳиссига тўри келади. Ифлос ҳаво оқибатида 2013 йилда Хитойда 1 миллион 600 минг, Ҳиндистонда бир ярим миллионга яқин, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларида 300 мингга яқин киши вафот этгани айтилади. ЖССТнинг Онкологик касалликларни ўрганиш халқаро агентлиги (IARC) 2013 йил эълон қилган ҳисоботда эса ҳавонинг ифлосланиши саратон касаллигининг асосий сабабчиси экани айтилади.

АКТ кўмағига суянамиз

Демак, бутун дунё иқлим ўзгаришлари оқибатлари билан аллақачон тўқнаш келиб турибди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ оғир вазият ҳукм сураётган бир даврда АКТдан фойдаланиш иқлим ўзгаришларига мослашишга ва унинг оқибатларини юмшатишга ёрдам бериши мумкин.

Нисбатан арзон масофавий зондаштириш технологиялари, сунъий йўлдошлар ва ҳатто мобил телефонлар иссиқхоналар газлари чиқиндиларини камайитириш

ва энергия самардорлигини оширишда экологларга атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш ва уларни бошқаришга ёрдам беради. Шу боис атроф-муҳитни электрон муҳофаза қилиш гоёси жуда катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро электралоқа иттифоқи бошқарушининг электрон усуллари, экологик барқарорликни таъминлашда АКТдан фойдаланиш нуқтаи назаридан мамлакатлар тайёрлик даражасини баҳолаш учун турли кўрсаткичларни бирлаштириш масалалари бўйича БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида Атроф-муҳитни электрон ҳимоя қилиш учун тайёрлик индекси (EERI)ни ишлаб чиққан.

EERI доирасидаги кўрсаткичлар таркибий индекс сифатида АКТ инфратузими, инсон салоҳияти, дастурий таъминот, табиатни электрон муҳофаза қилиш дастурлари, шунингдек, миллий сиёсат ва ташаббуслар, биохилма-хилликни рағбатлантиришга қаратилган йўналишлар, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайитириш, жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини ошириш ва бу кўрсаткичларнинг узоқ муддатли истиқболлари каби жиҳатларни ҳисобга олиш атроф-муҳитни электрон ҳимоя қилишга тайёр эканлигини кўрсатади.

EERIнинг дастлабки натижалари МДХ мамлакатлари тайёргарликнинг турли даражаларида эканлигини кўрсатмоқда, лекин кўплаб давлатларда ҳукумат ва аҳолининг юқори даражада хабардорлиги ҳақидаги маълумотлар бу борадаги муҳим қадамни аниқлатади.

Атроф-муҳитни электрон муҳофаза қилиш соҳасидаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун энг муҳими етарли инфратузилмага, инсон салоҳияти ва сиёсий муҳит қўллаб-қувватловига эга бўлиш талаб этилади. МДХ мамлакатларининг

кўпчилигида глобал халқаро ҳамкорликда муҳим ҳисобланган экологик режалаштириш фаолияти учун ҳали инсон ва институционал салоҳият кам. Шу боис, масалан, Беларус турли халқаро экологик дастурларда фаол иштирок этапти. Аммо, атроф-муҳит масалаларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларига киритиш муаммоли бўлиб қолаётти. Шунинг учун атроф-муҳитни электрон муҳофаза қилиш гоёларида табиатни ҳимоя қилишда АКТ ёрдам бериши мумкин бўлган соҳалар таҳлили билан бир қаторда энг кенг тарқалган усуллардан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Тоза ҳудуд сари

Мамлакатимизда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни амалиётда қўллаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал этишда АКТнинг роли, аҳамияти ва истиқболларини баҳолаш, жумладан, замонавий АТ-echimлар ва геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит ҳолатининг давлат мониторингини ахборот базасини шакллантириш ва ягона давлат кадастрини юритиш каби масалалар бўйича кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Чунончи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнида АКТни ривожлантиришни жаддалаштиришга, шунингдек, улардан самарали ҳамда кенг фойдаланишга доир қатор қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу соҳада, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Радиочастота спектри тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонунлардан кенг фойдаланиляпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқишда муҳим рол ўйнамоқда.

Фармонга кўра, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи ва ҳисобот берувчи Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди. Унинг зиммасига бир қанча муҳим вазифалар юклатилиб, янги тузилмалари ташкил этилди. Жумладан, қўмита ва жойлардаги бошқармаларнинг марказий аппаратла-

рида чиқиндилар ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташлиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, қўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекциялари ҳамда биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш ҳудудий инспекциялари тузилди. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда вилоятлардаги бошқармалар ҳузурида "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналари, туман-шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг чиқиндиларини олиб кетиш бўйича хизмат кўрсатилган участкалари негизда уларнинг филиаллари ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Ҳозирги шароитда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳим давлат дастурларини бажариш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, экотизимларнинг экологик барқарорлигини таъминлаш ва қудай яшаш муҳитини шакллантириш учун АКТ соҳасидаги турли техник воситалар ва йўналишлар, жумладан, геоахборот тизимларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тизимлардан фойдаланган ҳолда ҳудудни турли зоналарга ажратиш, tuppoқ, иқлим, биологик хилма-хиллик, демографик ҳолат ва шу каби бошқа маълумотларни йиғиш ва электрон шаклга ўтказиш табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самардорлигини оширади. Бундай тизимларни қўллашнинг яна бир кенг тарқалган соҳаси, бу — атроф-муҳитнинг ҳолатига тегишли асосий кўрсаткичларни ўзига акс эттирувчи хариталарни яратишдан иборат бўлиб, бундай хариталардан флора ва фауна элементлари деградациясининг кўлами ва тезлигини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзимиз яшаб турган, фарзандларимиз камол топаётган шу кўраи заминни муҳофаза қилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнини ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, метъерий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллашни тартибга солишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, соҳани юқори малакали ходимлар ҳамда илғор технологик усуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш бутунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Озодхон ЙЎЛДОШЕВА,
ТТЕСИ "Меҳнат муҳофазаси ва экология" кафедраси муdiri,
доцент

Дана ЛУМИС,
ЖССТ
Онкологик
касалликларни
ўрганиш халқаро
агентлиги вакили:

— Сайёра-миз-даги ҳаво барча инсонларга тегишли эканлигини англаб етадиган пайт етиб келди. Биз ҳавонинг тозаллиги учун масъулиятни англаб етишимиз керак.



Хабарлар +tv



ДУШАНБА — 12 МАРТ

4.00 Телеканал "Доброе утро".
7.05 Выборы-2018.
8.00, 11.00, 14.00, 2.00 Новости.
8.15 "Контрольная закупка".
8.50 "Жить здорово!"
9.55 "Модный приговор".
11.15, 16.00, 17.25, 2.20 "Время покажет".
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское"
17.00 Вечерние новости.
17.50 "На самом деле"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время".
20.35 Т/с "ЗОЛОТАЯ ОРДА"
22.40 "Вечерний Ургант"
23.00 "Полимер"
00.10, 2.05 Т/с "А У НАС ВО ДВОРЕ"

РОССИЯ 1

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00,

20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Осколки"
23.15 "Выборы-2018. Дебаты с Владимиром Соловьёвым"
00.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
02.00 Т/с "Следователь Тихонов"

НТВ

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых

фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00 Т/с "Береговая охрана"
19.40 Т/с "Высокие ставки. Реванш"
21.40 Т/с "Обратный отсчет"
23.40 "Итоги дня"
00.10 "Поздняков"
00.20 Т/с "Дикий"
01.25 "Место встречи"
03.20 "Поедем, поедим!"
04.05 Т/с "Час Волкова"

МАТЧ!

08.30 Д/ч "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 12.25, 13.30, 16.00, 21.25, 00.20 Новости
09.05, 13.35, 16.05, 02.55

Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Биатлон с Дмитрием Губерниевым
11.30 Биатлон. Кубок мира. Масс-старт. Мужчины. Трансляция из Финляндии
12.30 Биатлон. Кубок мира. Масс-старт. Женщины. Трансляция из Финляндии
14.10 Футбол. Чемпионат Испании. "Эйбар" - "Реал" (Мадрид)
16.35 Футбол. Чемпионат Испании. "Севилья" - "Валенсия"
18.25 Континентальный вечер
18.55 Хоккей. КХЛ. 1/4 финала конференции "Восток". "Металлург" (Магнитогорск) - "Автомобилист" (Екатеринбург).

Прямая трансляция
21.30 Футбол. Чемпионат Испании. "Малага" - "Барселона"
23.20 Тотальный футбол
00.25 Футбольное столетие
00.55 Футбол. Чемпионат Англии. "Сток Сити" - "Манчестер Сити". Прямая трансляция
03.30 Дневник Паралимпийских игр
04.30 Д/ф "Новички. Идеальный бросок".
06.30 Футбол. Чемпионат Англии

КИНОХИТ

02.55 "Кабаре"
05.00 "Триумф"
07.10 "Чикаго"
08.55 "Авиатор"
11.35 "Жизнь прекрасна"
13.30 "Вертикальный предел"
15.25 "Сила воли"
17.30 "По млечному пути"
19.30 "Малена"

21.00 "Точка обстрела"
22.20 "Цель номер один"
00.50 "Невозможное"

ТВ 3

06.00, 05.45 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30 "Охотники за привидениями (спектр-проекты со звездами)"
14.00, 14.30 "Охотники за привидениями. Битва за Москву"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Люцифер"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00, 23.00 Т/с "Сладкая жизнь"
00.00 Х/ф "Неуловимые"
01.45, 02.30, 03.15, 04.00, 05.00 Т/с "Скорпион"

СЕШАНБА — 13 МАРТ

4.00 Телеканал "Доброе утро".
7.05 Выборы-2018.
8.00, 11.00, 14.00, 2.00 Новости.
8.15 "Контрольная закупка".
8.50 "Жить здорово!"
9.55 "Модный приговор".
11.15, 16.00, 17.25, 1.30, 2.05 "Время покажет".
14.15 "Давай поженимся!"
15.00, 2.55 "Мужское / Женское"
17.00 Вечерние новости.
17.50 "На самом деле"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время".
20.35 Т/с "ЗОЛОТАЯ ОРДА"
22.40 "Вечерний Ургант"
23.15 Т/с "А У НАС ВО ДВОРЕ"

РОССИЯ 1

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00,

20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Осколки"
23.15 "Выборы-2018. Дебаты с Владимиром Соловьёвым"
00.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
02.00 Т/с "Следователь Тихонов"

НТВ

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых

тых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00 Т/с "Береговая охрана"
19.40 Т/с "Высокие ставки. Реванш"
21.40 Т/с "Обратный отсчет"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Дикий"
01.10 "Место встречи"
03.05 "Квартирный вопрос"
04.05 Т/с "Час Волкова"

МАТЧ!

08.30 Д/ч "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 14.30, 17.05, 19.50 Новости
09.05, 14.35, 17.10, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 "Нефутбольная

страна"
11.30 Футбол. Лига чемпионов. 1/8 финала. "Севилья" (Испания) - "Манчестер Юнайтед" (Англия)
13.30 Тотальный футбол
15.05 Профессиональный бокс. Деонтей Уайлдер против Луиса Ортиса. Бой за титул чемпиона мира по версии WBC в супертяжелом весе. Андрэ Диррелл против Хосе Ускатеги. Бой за титул чемпиона мира по версии IBF в суперсреднем весе. Трансляция из США
17.40 "Десятка!"
18.00 Профессиональный бокс. Фёдор Папазов против Ховика Бебрахама. Бой за титул чемпиона IBO Inter-Continental в лёгком-середнем весе. Кевин Джонсон против Петара Миласа. Трансляция из Германии

19.55 Футбол. Юношеская Лига УЕФА. 1/4 финала. "Тоттенхэм" (Англия) - "Порту" (Португалия). Прямая трансляция
21.55 Футбол. Юношеская Лига УЕФА. 1/4 финала. "Барселона" (Испания) - "Атлетико" (Испания). Прямая трансляция
23.55 Все на футбол!
00.35 Футбол. Лига чемпионов. 1/8 финала. "Манчестер Юнайтед" (Англия) - "Севилья" (Испания). Прямая трансляция

КИНОХИТ

02.30 "Одержимость"
04.15 "Одинокое сердце"
06.15 "По версии Барни"
08.20 "Шоколад"
10.10 "Возвращение в Брайдсхэд"
12.15 "Белый шквал"
14.20 "Дом грёз"
15.45 "Готика"
17.20 "Письма к Джульетте"

19.00 "Красотка"
21.00 "План побега"
22.45 "Колония Дигнидад"
00.30 "Невидимый"

ТВ 3

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30 "Охотники за привидениями (спектр-проекты со звездами)"
14.00, 14.30 "Охотники за привидениями. Битва за Москву"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Люцифер"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00, 23.00 Т/с "Сладкая жизнь"
00.00 Х/ф "Полтергейст 2. Обратная сторона"
01.45, 02.30, 03.30, 04.15, 05.15 Т/с "Гримм"

ЧОРШАНБА — 14 МАРТ

4.00 Телеканал "Доброе утро".
7.05 Выборы-2018.
8.00, 11.00, 14.00, 2.00 Новости.
8.15 "Контрольная закупка".
8.50 "Жить здорово!"
9.55 "Модный приговор".
11.15, 16.00, 17.25, 1.30, 2.05 "Время покажет".
14.15 "Давай поженимся!"
15.00, 2.55 "Мужское / Женское"
17.00 Вечерние новости.
17.50 "На самом деле"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время".
20.35 Т/с "ЗОЛОТАЯ ОРДА"
22.40 "Вечерний Ургант"
23.15 Т/с "А У НАС ВО ДВОРЕ"

РОССИЯ 1

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.

09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Осколки"
23.15 "Выборы-2018. Дебаты с Владимиром Соловьёвым"
00.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
02.00 Т/с "Следователь Тихонов"

НТВ

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"

13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00 Т/с "Береговая охрана"
19.40 Т/с "Высокие ставки. Реванш"
21.40 Т/с "Обратный отсчет"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Дикий"
01.10 "Место встречи"
03.05 "Дачный ответ"
04.05 Т/с "Час Волкова"

МАТЧ!

08.30 Д/ч "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.00, 15.30 Новости
09.05, 13.05, 17.30, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Футбол. Лига

чемпионов. 1/8 финала. "Манчестер Юнайтед" (Англия) - "Севилья" (Испания)
13.30 Футбол. Лига чемпионов. 1/8 финала. "Рома" (Италия) - "Шахтёр" (Украина)
15.35 Профессиональный бокс. Сергей Липинцев против Майки Гарсии. Бой за титул чемпиона мира по версии IBF в первом полусреднем весе. Кирилл Релих против Ранесса Бартелеми. Трансляция из США
17.55 Футбол. Юношеская Лига УЕФА. 1/4 финала. "Манчестер Сити" (Англия) - "Ливерпуль" (Англия). Прямая трансляция
19.55 Футбол. Юношеская Лига УЕФА. 1/4 финала. "Реал" (Мадрид, Испания) - "Челси" (Англия). Прямая трансляция
21.55 Футбол. Лига

чемпионов. 1/8 финала. "Бешикташ" (Турция) - "Бавария" (Германия). Прямая трансляция
23.55 Все на футбол!
00.35 Футбол. Лига чемпионов. 1/8 финала. "Барселона" (Испания) - "Челси" (Англия). Прямая трансляция
03.25 Дневник Паралимпийских игр
04.25 Обзор Лиги чемпионов
04.55 Д/ф "2006 FIFA. Чемпионат мира по футболу. Большой финал".
06.40 Д/ф "Бобби".

КИНОХИТ

02.05 "Элегия"
03.55 "Боци"
06.10 "Жизнь прекрасна"
08.05 "Сила воли"
10.10 "Готика"
11.45 "Триумф"
13.35 "Малена"
15.05 "По млечному пути"
17.05 "Цель номер один"

19.35 "Точка обстрела"
21.00 "Интуиция"
22.25 "Август Раш"
00.10 "Китайская головоломка"

ТВ 3

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30 "Охотники за привидениями (спектр-проекты со звездами)"
14.00, 14.30 "Охотники за привидениями. Битва за Москву"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Люцифер"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00, 23.00 Т/с "Сладкая жизнь"
23.45 Х/ф "Полтергейст 3"
01.45, 02.30, 03.30, 04.15, 05.15 Т/с "Черный список"

ШАКАРДАГИ ХАТАР


ЁХУД ЯЛТИРАГАН НАРСА ҲАР ДОИМ ҲАМ ОЛТИН БЎЛАВЕРМАЙДИ

КАТА ЭШИЛИ ИНСОНЛАР УЧУН БИР НУҚЛИК ШАКАР МЕЪЁРИ — 50 ГРАММ

— 200 Г — 20 Г — 5 Г

- АПЕЛСИН ШАРБАТИ (СТАКАН) — 25 ГРАММ
- СОВУҚ ЧОЙ (СТАКАН) — 24 ГРАММ
- ШИРИН ТЕШНИҚУЛЧА (1 ДОНА) — 20 ГРАММ
- ОЛМА (1 ДОНА) — 20 ГРАММ
- ПИШЛОҚЛИ ШИРИНЛИК (1 ДОНА) — 25 ГРАММ
- АСАЛ (1 ЧОЙ ҚОЛПИҒИ) — 5 ГРАММ
- СНИКЕРС (1 ДОНА) — 27 ГРАММ
- КЕТЧУП (1 ОШИҚИРИ) — 5 ГРАММ
- ПЕПСИ (1 ЛИТР) — 100 ГРАММ
- ОҚ НОН (1 БУЛКА) — 12 ГРАММ
- МАЙИЗ (100 ГРАММ) — 70 ГРАММ
- СУТ (СТАКАН) — 10 ГРАММ
- КОКА-КОЛА (0,33 ЛИТР) — 40 ГРАММ
- ЖУХОРИЛИ ҚУРУҚ НОНУШТА (1 ДОНА) — 25 ГРАММ
- МАНГО (1 ДОНА) — 35 ГРАММ
- БАНАН (1 ДОНА) — 17 ГРАММ

Вита



Биз ўзимиз ўйлаганимиздан ҳам кўп шакар истеъмол қиламиз: ширинлик ва пишриқлар, нон, пакети шарбатлардан тортиб алкоғолгача шакарга тўйинган. Чой ва қаҳвани-ку айтмаса ҳам бўлади.

Инсон организмидаги зарарли бактериялар глюкозани "яхши кўради". Бу макро-биотиклар томонидан аниқланган факт. Яъни биз ўзимиз истеъмоладан ҳалда шу бактерияларнинг нафсини қондириш билан оворамиз. Организм бундай "ширин зўриқишлар"га чидайди?

Биз кун мобайнида истеъмол қиладиган ичимлик ва егуликларнинг қарийб учдан бир қисмида шакар бор, ҳалбуки, организм буни қайта ишлай олмайд: семириш, тери касалликлари, адреналин ва қалқонсимон без функцияларининг бузилиши, руҳий безовталик, диабет, саратон — мана, касалликлар ўчоғи қайда!

ЯШАСИН СОҒЛОМ ОВҚАТЛАР!

Ширинлик истеъмолини назорат қилса бўлади, бунинг учун ўз овқатланиш тартибингизни бир меъёрга келтириб олишингиз керак. Донли маҳсулотлар шакар миқдорини барқарор ушлаб туради. Карам, сабзи, пиёз, қовоқ ва картошка — табиий шакарнинг кони. Қўқат ва сабзавотлар ширинликка мойилликни кучсизлантиради. Исмалож, брокколи карам, балиқ ва ёғсиз товуқ гўшти дармонингизга дармон қўшади.

ҲИНДИСТОНЛИК МАКРОБИОТИК ШОНАЛИ САБХЕРВОЛДАН "ШАКАРСИЗ РЕЦЕПТ"

Бир бош карам, қизил қовоқ, бир донадан сабзи ва пиёзнинг тенг ярмини майда қилиб тўранг ва қозонга солиб устидан бир литрга яқин сув қўйинг. Қайнагунча оловни баланглаб, сўнгра паст оловда икки дақиқа қайнатиб олинг. Бу сувни сиздириб олинг ва совимасидан ичинг. Муолажа муддати: бир ой давомда кунига бир маҳал. Энг мақбул вақт: одатда ширинликка мойиллик кучаядиган тушлиқдан кейинги соат уч ва беш оралиғи.

ШИРИН САБАБЛАР, АЧЧИҚ ОҚИБАТЛАР

Яқинда Американинг Йел университети олимлари қон таркибида қанд миқдорининг кескин пасайиши "ёмон" углеводлар (масалан, ширин кулча) истеъмолидан кейин пайдо бўлиши ва миянинг импульсларни назорат қилиш қобилиятига таъсир кўрсатишини исботлаб беришди.

Шакар миқдорининг организмда кўпайиб кетиши бир қарашда бунга боғлиқмасдек туюлган асоратларда ҳам билинади. Масалан, ҳусбузарлар... Уларни глюкоза билан озиқланувчи бактериялар ҳосил қилади.

Кўпинча оч қолсангиз асабийлашасизми? Овқатланишингиз билан кайфиятингиз яхшиланамиди? Ўзингизни беҳол сезсангиз шоколад ейсизми? Стресс пайтида адреналин безлари гормон (адреналин ва кортизол) ишлаб чиқади. Агарда сиз доимий стрессда бўлсангиз бу безлар "чарчайди" ва ўз ишини тўлақонли бажара олмайд. Сиз эса кайфиятингизни дарҳол ўнглаш учун ширинликларга мурожаат қиласиз. Албатта, шакар кайфиятни қўтаради, бироқ бу узоққа бормади, безовталик ва депрессия ҳолати қайтанга кучайиб бораверади.

Қонда қанд миқдорининг кўп бўлиши соч тўқилишига (ҳатто аёлларда ҳам) олиб келиши мумкин. Бу қандли диабетга чалинганларда кўп учрайди. Сочингиз тез тўқилаётганини сезсангиз, қонингиздаги қанд миқдорини албатта текширтинг.

Вазнингиз меърдан ортиб кетишида ҳам шакар "айбдор". Алкоғол, паст калорияли озиқ-овқатлар, транс-ёғлар билан тўйинган маҳсулотлар (музқаймоқ, торт, пишриқлар, конфетлар) таркибига қўшилувчи шакарнинг ўрнини босувчиларни эса ошқозон-ичак тизими тўла ҳазм қила олмади. Қориннинг дамлаши шундан.

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Дон сақланадиган иншоот. 4. Ер сурувчи трактор. 9. Маданийлаштирилган бир йиллик дуккакли экин. 10. Япон автомобили. 11. Тақдир. 12. Бошоғриқ, ташвиш. 13. Оскар ... (ёзувчи). 16. Дармон. 18. Спорт тури. 19. Италиядаги қўл. 22. Британиялик поп-хонанда. 24. Билимлар хазинаси. 26. Ҳинд океанидаги архипелаг. 29. Сақлар қиличи. 30. Япониядаги шаҳар. 31. Балиқчи кема. 32. Хоразм вилоятидаги туман. 33. Амалий санъат тури.

БЎЙИГА: 1. Қадимий шотланд шаҳри. 2. Тобе ҳукмдор. 3. Иқтисодий статистикада асосий тенденция. 5. Балиқ тури. 6. Қора денгизбўйи шаҳри. 7. Университет маъмурияти. 8. "Оппоғой ва етти ...". 14. Пассажир. 15. Қорақурум тоғи чўққиси. 16. Қашқадарё вилоятидаги туман. 17. Имловий имтиҳон. 20. Сайловларнинг бекор қилиниши. 21. Канадага қарашли яриморол. 23. Ҳашарот. 25. Фин шаршараси. 26. Санъаткор. 27. Узоқ Шарқ дарёси. 28. Ўзбек таоми.

БОШҚОТИРМА

УСТИНОВНИНГ УЧИНЧИ ЖАВОБИ

Таниқли актёр Питер Устиновга 1990 йили рицарлик ва "сэр" унвони берилди. Қиролича ҳузурдаги тантанали маросим арафасида кекса актёрга аънанавий саволни беришди: "Қиролича қаршисида тиз чўка оласизми ё йўқми?". Бунга Устинов учинчи жавоб варианти йўқлигини шикоят қилган экан.

Топинг-чи, кекса актёр бу билан нима демоқчи бўлган?

(Жавоби келгуси сонда.)

Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби

ЗЎРАКИ НОБЕЛ

Нисбийлик назарияси учун эмас (Эйнштейн).

1	2	3		4	5	6	7
				8			
			9				
10					11		
			12				
13	14	15				16	17
	18					19	
20							21
22		23				24	25
				26	27	28	
29						30	
			31				
32						33	

ҚИЙИН ДАМЛАРДА ҲАМРОҲИМ

Нифоят ЗОҲИДОВА,
фахрий муаллима
Қўйичирчиқ тумани:

— Инсон ҳаёти ҳамма вақт бир текис давом этмас экан. Қувончли кунларга ғам-ташвиш соя ташлаб ҳам қоларкан. Буни мен ўз ҳаётим мисолида гапиряпман.

Ёшлигимдан муаллимликка қизиқдим. Ҳали бола пайтимдаёқ, қўшни қизчаларни қатор ўтқизиб қўйиб, уларга ота-онамдан эшитган насиҳатларни етказиб, ўзимча "дарс" ўтардим. Мактабни битиргач, аввал Хотин-қизлар педагогика билим юртида, сўнгра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини ўқидим. Умримни педагогика соҳасига бахшида этдим.

Бу касбнинг яхши томонлари кўп экан. Ўзим оддий ўқитувчи бўлсам-да, шогирдларим жуда катта

лавозимларда ишлашади. Ҳаётимда бирор масалада муаммо бўлган эмас. Қайси идорага борсам, қайсидир ўқувчим югуриб келиб, ишларимни битириб берган пайтлари кўп бўлган. Қизларимда ҳам касбимга меҳр уйғота олдим. Ҳозир Шоҳида ҳам, Дилфуза ҳам энг яхши ўқитувчилардан.

Фарзандларим муваффақиятидан масрур бўлиб, ўз саломатлигини эслан чиқардимми ёки бошқа бирор нарса сабаб бўлдимми, ҳар қалай югуриб-елиб юрган кунларимдан бирида юрак хуружига учрадим. Бу дардни ҳеч кимга худо кўрсатмасин, бир зумда ҳам ҳаракатдан, ҳам тилдан қолдим. Юқорида айтганимдай, минг шукрки, ўқитувчи бўлганлигим асқотди — шифокор шо-

гирдларим бор куч ва имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилишди. Қизларим, куёвларим, невараларим, яқинларим ҳаракати билан ўзимга келдим.

Бугун анча яхшиман. Невара келиним ёрдами билан юрипман ҳам. Лекин ҳамманинг ўз иши, ўз ташвиши бор, деганларидай кўпинча ёлғиз қолиб кетаман. Менга эса ҳамсуҳбат керак. Буни ҳис қилган Шоҳида қизим менга планшет совға қилди ва уни интернетга улаб берди. Қандай фойдаланишни эса, ўқитувчи эмасманми, тезда ўрганиб олдим. Ҳозир интернет менинг энг яқин ҳамроҳим, овуноғимга айланган. Интернет орқали юртимизда

ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабар топаман, қизиқарли мақолаларни ўқийман. Интернетга уланганимдан бери кўп нарсаларни ўргандим.

Демоқчи бўлганим, интернет агар яхши мақсад йўлида фойдаланилса, уммон, яъни билимлар уммони. Шундай экан, азиз ота-оналар, фарзандларингизга интернетдан тўғри ва самарали фойдаланишларида ёрдам беринг. Токи улар билимлар уммонидан фақат дуру гавҳарлар терсинлар, билимларини бойитсинлар.



ЕТТИДАН ЕТМИШГАЧА

КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ

4-ДАРС. Компьютерни ўчириш, ёқиш, қайта юклаш

Компьютерни ёқиш

Бунинг учун мониторнинг таъминот тугмасини босинг. Яъни мониторларда у пастки ўнг бурчақда жойлашган бўлади (ҳозир тугманинг ўрнини сенсорлар эгаллаган). Кейин тизим блокадаги таъминот тугмасини босинг.

Ноутбукларда эса битта тугма босилса қифоя. У ён томонда ёки клавиатуранинг тепа қисмида жойлашган бўлади.



Компьютерни ўчириш

1. Курсорни монитор пастки чап бурчагидаги "Пуск" ёрлиги устига олиб бориб, "сичқонча"нинг чап тугмасини босинг.

2. Очилган ойнадан "Завершение работы" бўлимига ўтиб, "Выключить компьютер" ("Компьютерни ўчириш") тугмасини босинг.

Изоҳ: Windows амалий тизимининг турли туркумларида ўчириш жараёни кетма-кетлиги фарқлиниши мумкин, аммо бу иш ҳар доим "Пуск" орқали бажарилади.

Орадан сониялар ўтиб компьютер экранни ва тизим блогидagi чироқ ўчади.

Баъзида компютер 5-10 дақиқа ҳам ўчмай қолиши, турли тугмаларни боссангиз жавоб бермаслиги мумкин. Бу унинг "қотиб" қолганидан далолат. Уни мажбуран ўчириш учун тизим блогини олд панелидаги таъминот тугмасини (десктошларда) ва ноутбукларда ёқиш тугмасини 5 сониядан узоқроқ вақт то компютер ўчмагунча босиб туринг.

Унутманг, компьютерни мажбуран ўчириш — энг сўнгги чора!

Windows 7 ўрнатилган компьютерни қайта юклаш (перезагрузка)

Айрим дастурлар ўрнатилиб, созуламалари ўзгарганидан сўнг компьютер қайта юкланиши сўрайди. Компьютернинг ўзи ҳамма дастурларни ёпади, ўчади ва мустақил ёнади. Ёпилган дастурларни сиз бошқатдан очишингизга тўғри келади. Компютерга қайта юкланишга рухсат беришдан аввал сиз ишлатиб турган ҳамма дастурларингиздаги маълумотларни сақланг ва ёпинг, акс ҳолда уларни йўқотишингиз мумкин.

Компьютерни қайта юклаш учун:

1. "Пуск" тугмасини босинг.

2. Очилган ойнадан "Завершение работы" бўлимига ўтиб, "Перезагрузка" ("Қайта юклаш") тугмасини босинг.

(Давоми. Бошланиши газетанинг 7,8 ва 9-сонларида.)

Сабоқларимизни кузатиб боринг! 5-дарсимизда компютерга қайси қурилмаларни улаш мумкинлиги билан танишамиз.

ИБТИДО

Биринчи шахсий компьютер

1981 йилнинг
12 август
куни IBM
компанияси
биринчи
шахсий
компьютерни
чиқарди



Шахсий компьютерлар пайдо бўлгунига қадар электрон ҳисоблаш машиналарини харид қилиш ва ишлатиш анча қимматга тушарди. Шу боис уларни сотиб олишга йирик компаниялар, университетлар, тадқиқот марказлари, давлат муассасаларининг қурби етган.

IBM Corporation (International Business Machines) 37 йил олдин тақдим этган шахсий компьютер биринчи модели — IBM 5150 замонавий компьютерлар даврини бошлаб берди. Ўша пайтда нархи 1 565 доллар турган, ишлатиш осон, кам жой эгалларди. IBM 5150га 4,77 мегагердиди Intel 8088 процессори ўрнатилганди. Оператив хотираси эса 16 ва 64 килобайт бўлган. Биринчи ШҚда винчестер бўлмаган, диск очғич эса алоҳида сотиб олинган. Бугун ишониш қийиндир, аммо ҳозирги смартфонлардан функционаллик даражаси анчагина паст бўлишига қарамай, илк компьютер ўз даври учун ҳақиқий инқилоб асаган.

Бу компьютерлар чиқарилган йили 130 минг дона, 2000 йилга келиб эса дунё бўйича 140 миллион дона компьютер сотилган. Ҳозир эса уларнинг сони миллиарддан ошади. Сайёраимиз аҳли интернет кенгликларига саёхат қилиш, хатлар ёзиш ва олиш, катта миқдордаги ахборотларни сақлаш, musiқа тинглаш, кинофилмлар томоша қилиш имконини берувчи бу "ақлли" машиналарсиз бир кунини ҳам тасаввур ҳам эта олмайди.





ИЛОВАЛАР

**HOLOLENS UCHUN ILOVA
ТАЙЁРЛАШ POWERPOINT
ТАКДИМОТИДАН
ҚИЙИН ЭМАС**

HoloGroup компанияси чиқарган MR Guide иловаси дастурлашни билмасдан ҳам HoloLens аралаш реаллик кўзойнаклари учун голографик экскурсиялар яратиш имконини беради.

Таклиф этилаётган ёндашув рақамли контентни ишлаб чиқиш ва реал борлиққа интеграциялашни осонлаштиради, бу кўргазмалар ва экспозициялар учун, айниқса, муҳим.

Юқоридagi илова ёрдамида HoloLensning ўзида голографик экскурсиялар яратилади ва томоша қилинади. Бунинг учун исталган контент (видео, 360 видео, суратлар, аудио, матнлар, 3D моделлар) юкланса кифоя, масалан, 20 дақиқалик экскурсияни тайёрлашга узоғи билан икки соат кетади.

КРИПТОВАЛЮТА

RAKUTEN ЎЗ ВИРТУАЛ ПУЛИНИ ЧИҚАРАДИ

Электрон тижорат бозоридagi Amazonning рақобатчиларидан бири — Япониянинг Rakuten компанияси ўз бизнеси равнақида криптовалюталар муҳим аҳамият касб этишига ишонмоқда. Шунинг учун ҳам икки йил илгари криптовалюта ҳамёни ишлаб чиқарувчиси — Bitnetni ўз таркибига қўшиб олди. Мана энди ўзининг Rakuten Coin криптовалютасини муомалага киритмоқда.

Виртуал валюта бутун дунё бўйлаб Rakuten савдо майдончаларидagi харидлар учун тўловларда ишлатилади. Ҳозирча 44 миң сотувчисига эга Rakuten учун энг йирик бозор Япония бўлиб турибди, бироқ компания хориждаги фаолиятини кенгайтиришга жиддий киришган.

САЛОМАТЛИК



**MICROSOFT КОМПАНИЯСИ
КЎЗИ ОЖИЗЛАР UCHUN
НАВИГАТОР-ИЛОВА ЧИҚАРДИ**

Ушбу мобил iOS-илова кўзи ожизларга қўшимча ёрдам сифатида ишлаб чиқилган. Қўллаб қўллашчи билан ҳамкорликда чиқарилган Soundscape иловаси билан Microsoft блогдa батафсил танишиш мумкин.

Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, Soundscape ҳасса ёки йўлбошчи-ит ўрнини эгалламайди, балки қўшимча ёрдамчи вазифасини бажаради.

Илова фойдаланувчига атрофдаги объектлар ҳақида маълумот бериши, масалан, у кетаётган кўчанинг номини, бораётган жойига қаердан бўрилишни эслатиши мумкин.

ХАВФСИЗЛИК

**ХАКЕРЛАР БИР ЙИЛДАН БЕРИ
ГЕРМАНИЯ ҲУКУМАТИ АХБОРОТ ТАРМОФИГА
ҲУЖУМ ҚИЛИБ КЕЛИШГАН**

Германия ҳукумати ахборот тармоғига ҳужум қилган АРТ28 хакерлик гуруҳи фош қилинди. DPA агентлиги хабар беришича, киберҳужум фош бўлганига қадар бир йил давом этган бўлиши мумкин. Германия ҳукумати эса вазият назоратга олинганини билдирди.

Ахборот хавфсизлиги мутахассисларини айни пайтда хакерларнинг ҳужумат ахборотларини қанчалик кўп ўғирлай олгани қизиқтирмоқда.

DPA манбасига кўра, хакерлар, айниқса, мамлакат мудофаа ва ташқи ишлар вазирликлари тармоқларига ёриб кира олишган. Хусусан, улар "Берлин-Бонн ахборот тармоғи"га кира олишган. Бу тармоқдан Германия канцлери идораси, федерал вазирликлар ва хавфсизлик хизматлари, Бундестаг ва Бундесрат (Олий парламент ва ҳудудий ҳукуматлар вакилларидан иборат парламент) фойдаланади. Ҳолбуки, хакерлик ҳужумига учраган тармоқлар ташқи ҳужумлардан энг яхши ҳимояланган саналарди.

Махсус хизматлар АРТ28ни Россияга тегишли, деб ҳисоблашади.



ФЛЭШ-ХОТИРА



**ЭНГ КАТТА
ИСТЕЪМОЛЧИ —
СМАРТФОНЛАР**

Statista компанияси хабар беришича, 2017 йили ҳақон флэш-хотира бозори ҳажми 51,67 млрд. доллarga етган. Бир йил олдин 36,29 млрд. долларлик кўрсаткич қайд этилганди.

Тахмин қилинишича, 2018 йили чиқарилган флэш-хотираларнинг камида 37 фоизи смартфон ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиб олинади. Мижоз-компания йўналишига 25 фоиз, хотира карталари йўналишига 16 фоиз, планшетлар соҳасида 13 фоиз флэш-сақлағичлар тўғри келади.

ВОҚЕА

**НЕГА ЎФРИ
26 МИЛЛИОН
ДОЛЛАРНИ
ҚАЙТАРДИ?**

Бу воқеа ўтган йили содир бўлди. CoinDash биржаси ICO ўтказаятганидан хабар тошган ва компаниянинг асосий сайтига йўл топган хакер унинг криптовалюта манзилини ўзиникига алмаштириб қўйиб 43,4 миң эфирни ўзлаштириб олганди.

2017 йил сентябрида кутилмаган воқеа юз берди: хакер 10 миң эфирни биржа ҳисобига қайтариб юборди. Мана, яқинда эса яна 20 миң эфирни қайтарди. Эфирнинг ҳозирги курси бўйича қайтарилган жами маблағ 26 миллион долларни ташкил этади. Хакернинг ўзида эса 11,5 миллион долларлик 13 миң эфир қолган. Қизиги, ўғрилиқ содир булган пайтда жами эфирлар қиймати 8 миллион доллар эди.

CoinDash раҳбарияти хакернинг шахсини аниқлашга жиддий киришганини билдирди. Бунинг учун компания Исроил кибертеррошиликка қарши курашиш бошқармаси билан ҳамкорлик қилаяпти.

ФАЗО ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**SPACEX
КОМПАНИЯСИ FALCON
9 РАКЕТАСINI 50-
МАРОТАБА UCHIRDI**

Falcon 9 ракетаси 6 феврал кунги парвозида Hispasat 30W-6 телекоммуникация йўлдошини фазога олиб чиқди. Парвоздан тўғридан-тўғри трансляцияни SpaceX сайти узатди.

Компания асосчиси Элон Маск ўз "твиттер"да ёзишича, оғирлиги 6 тонна келувчи бу йўлдош SpaceX ракеталари ёрдамида фазога олиб чиқилган энг катта геостационар космик қурилма саналади.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Шри-Ланкада фавқулдда ҳолат

Шри-Ланка ҳукумати оролда ўн кунлик муддатга фавқулдда ҳолат тартибни жорий қилди. Бу мамлакат марказий минтақасида турли гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар юз бераётгани туфайли юз берди. Таъкидланишича, фавқулдда ҳолатни жорий этиш ҳақидаги қарор 6 март куни, ҳукумат йиғилиши давомида қабул қилинди. Тўқнашувларда камида икки киши ҳалок бўлган. Канди округида тартибсизликлар туфайли комендантлик соати жорий қилинди.

Нигерияда яна хавфли безгак

Нигерияда йил бошидан бери Ласса безгаги авж олмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, вирус туфайли тахминан 90 киши ҳалок бўлди. Январ ойидан бери ушбу касалликка чалинганлик бўйича миңдан ортиқ шубҳали ҳолатлар аниқланган, улардан уч юздан ортиги тасдиқланган.



Маълумотларга кўра, Ласса безгаги — ўлимга олиб келувчи касаллик бўлиб, эпидемияни чақириши, турли ички аъзоларга зарар етказиши ҳамда қон томирларни бузиши мумкин. Баъзи ҳолатларда касаллик Эболага ҳам ўхшаб бoшқа жойлардан қон кетади. Айни дамда унга қарши вакцина йўқ.



Роҳиблар

Исроил сиёсатидан норози

Исроил ҳукуматининг янги солиқ сиёсати ҳамда ерларни тортиб олиш қонунига қарши бўлган Қуддус чероковлари роҳиблари 25 феврал куни шаҳарнинг энг катта черкови эшикларини ёпишга қарор қилишди. Исроил ҳукуматини янги солиқ сиёсати ва насороларга тегишли бўлган ерларни тортиб олишга қаратилган хатти-ҳаракатлари рим-католик, грек-православ ва арман чероковлари етакчиларини шундай йўл туттишга мажбур қилган.

**Шимол ва Жануб:
Бирлашиш сари
дастлабки қадам**


Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин Жанубий Корея президентининг махсус вакиллари делегацияси билан учрашувда Корея яриморлида кескинликни юмшатиш ва Кореяларо муносабатларни ривожлантириш, жумладан, олий даражада учрашув ўтказиш масалалари бўйича фикр алмашган ва ватанин бирлаштиришда янги тарихни бошламоқчилигини айтган.

Пхеньяга 5 март куни Жанубий Кореянинг ўн кишидан иборат делегацияси келди. Улар орасида Жанубий Корея президентининг беш нафар махсус элчиси, жумладан, Жанубий Корея миллий разведка бошқармаси бошлиғи Со Хун ва президентнинг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Чон Йи Ён бўлган.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

“БРАЗИЛИЯ МЎЪЖИЗАСИ”: ЭНДИ НАВБАТ ТУНИСТА

(Давоми.
Бошланиши газетанинг
8 (1326)-сониди.)



“Жуда кўп ташкилотларнинг уюшиши жуда муҳим, чунки Жанубий Америка лойиҳаси муваффақиятини айна шу жиҳат таъминлаган эди.”

Карфаген соҳилларида

Қадимги финикияликлар Ўрта Ер денгизи соҳилларида савдосотиқни ўз қўлларига олганларини тарихдан яхши биламиз. Ҳеч шубҳасиз, улар бунёд этган, ҳозирги Тунис ўрнидаги қадимги Карфаген айнан тизимли савдо орқали жуда бой давлатга айланганди. Бу энди ўтмиш, бироқ Тунис шонли тарихини асло унутмайди. Бунга далил ва амалий қадам сифатида мамлакат Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ)нинг Бразилия тажрибаси асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳасини биринчи бўлиб жорий этишга киришганини кўрсатиш мумкин.

Easy Export қандай ишлайди?

БПИнинг Бразилия тажрибаси асосида ишлаб чиқилган Easy Export дастури тайинланган операторлар ва етакчи қатнашчиларни миллий ҳукумат доирасида савдони соддалаштириш жараёни атрофида бирлаштиради. Бундан мақсад мамлакатларнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарига экспортда қатнашишда кўмаклашишдир.

Бу ёрдам нималардан иборат?
■ кичик ва ўрта бизнес учун экспорт декларациясининг ягона ва оддий формаси жорий этилади, натижада қоғозбозлик камаяди

■ логистикани яхшилаш ва божхона иштини тезлатиш орқали экспорт жараёнлари суръати оширилади

■ кичик корхоналар учун экспорт харажатлари камайтирилади

■ савдо операцияси етказиш занжири барча қатнашчилари бирлаштирилади

■ экспортёрлар учун халқаро бозорлар билан таништирувчи муҳим ахборот ва воситалар тақдим этилади.

Тунис лойиҳага киришди

Тунисдаги 600 мингдан ортиқ корхонанинг 98 фоизи 10 киншигача бўлган жамоалардан иборат. Мамлакатнинг

мазкур лойиҳани биринчи бўлиб татбиқ этиш учун тавлаб олинишида айна шу жиҳати алоҳида эътиборга олинди.

“Экспорт иқтисодиётни кўтарувчи асосий воситалардан бири. Глобаллашув маҳаллий компанияларга янги бозорлар қилириш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун янги имкониятлар тақдим этипти”, — дейди Тунис алоқа технологиялари ва рақамли иқтисодиёт вазирлигининг департаменти бош директори жаноб Газалий. Тунисдаги Easy Export лойиҳасига айнан у раҳбарлик қилмоқда.

Бутунжаҳон почта иттифоқи савдони ривожлантириш менежери Рақел Феррарининг сўзларига қараганда, бу лойиҳа ҳамма учун бирдек мос келадиган тайёр модел эмас, унда ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароитлари инобатга олиниши шарт. Шунинг учун ҳам Тунис имкониятлари, мавжуд захираларидан келиб чиқиб ўзи учун мос дастурни тузиб олиши лозим. БПИ эса лойиҳа умумий методологияси асосида техник ва профессионал ёрдамни кўрсатади.

Тунис лойиҳаси юқоридаги вазирликдан ташқари, почта, божхона, савдо, саноат, транспорт, марказий банк, оддий ва электрон савдо, маҳаллий ишлаб чиқариш соҳалари расмий вакиллари билан бирлаштирган.

Жуда кўп ташкилотларнинг уюшиши жуда муҳим, чунки Жанубий Америка лойиҳаси муваффақиятини айна шу жиҳат таъминлаган эди.

Кучлар бирлаштирилса, яхлит жамоа тузила лойиҳада аниқ бир режа асосида иш олиб бориш, мамлакатдаги савдо-саноат ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиш, хизматлар ва иш режаси моделини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Сайёр лойиҳани амалга ошираётган биринчи мамлакат сифатида Тунис кейинчалик бу лойиҳа татбиқ этиладиган мамлакатларга ўз экспертларини таклиф

этиш мажбуриятини олади. Бир қатор мамлакатлар ҳозирдан лойиҳага қизиқиш билдирмоқда, масалан, Марокаш ва Малайзия.

Келажакка кўз тикиб

“Агарда ҳукуматлар бу лойиҳага миллий миқёсда сармоя киритишса борми, унда Easy Export БМТнинг барқарор ривожланиш дастури мақсадларини удалашга анча яқинлашади”, — дейди Рақел Феррари.

Исталган мамлакатдаги аксарият корхоналар кичик бизнесга мансуб ва айнан улар ўз мамлакатларида бандлик, тараққиёт ва иқтисодий ўсиш омилли саналади.

Айна пайтда БПИ “Осон экспорт” лойиҳасини кенгайтириш мақсадида Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстликлар, БМТнинг бошқа ташкилотлари билан музокаралар ўтказмоқда. Қизиқиш билдирганларга БПИ ва Бразилия почтасининг биринчи масалаҳати шу: лойиҳани ёлғиз бажаришга ошқинманг.

Гап шундаки, айрим почта операторларида лойиҳада бош ролни ўйнаш истаги тугилиши мумкин. Аммо бу ишларнинг бошида ҳукумат турмас экан — ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Негаки, айрим омиллар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Масалан, корхоналарга чет эллардан ҳамкор топишда кўмаклашиш ёки божхона жараёнларини соддалаштириш каби ишлар почтанинг хизмат доирасидан ташқарида. Баъзи почта операторлари “Бразилия модели”дан нусха олишга уриниб кўришди, аммо фойдасиз. Чунки бу жуда сеқирра жараён. Нафақат логистика, балки ҳукумат, марказий банк каби муҳим ҳамкорларсиз асло олдинга силжиб бўлмайди. Бутунжаҳон почта иттифоқи айна шу кучларни мураса-ю мадорага келтиришни ўз зиммасига олмоқчи.

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиалида “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг ушбу корхонадаги вилоят Фахрий алоқачилар жамоатчилиги кенгашини тузишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сўз олган жамғарма вилоят бўлимининг раиси Самойдин Ҳусенов Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган асосий вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Алоқа соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган фахрийлардан иборат йиғилиш иштирокчилари “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими кенгаши ҳузурида ташкил қилинган “Жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ишчи гуруҳлари” таркиби билан яқиндан таништирилди.

Ҳозирги пайтда вилоят алоқа соҳасида 1 миң нафарга яқин ходимлар, ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилишмоқда. Соҳада самарали фаолият кўрсатган кишиларнинг 400 нафари бугунги кунда нафақада бўлиб, қарилик гаштини сурмоқда. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли кўпчиликка, айниқса, ёшларга ўрнак. Филлиал маъмурияти ва касба уюшмаси қўмитаси томонидан табаррук ёшдаги отахон ва онахонлар ҳар томонлама эътибор ва гамхўрлик билан қўршаб олинган.

Йиғилишда сўз олган филиал директори Халил Турдиев, шофирконлик ва гиждувонлик меҳнат фахрийларидан Шодмон Жумаев, Улфат Салемгариев ва бошқа катта ҳаёт тажрибасига эга соҳа ходимлари ўзларининг маслаҳат, йўл-йўриқ ва ўғитларини ёшлардан ҳеч қачон аямасликларини, жамоат ишларида қатнашиш учун улар ҳаминша тайёр эканликларини айтиб ўтдилар.

Йиғилишда 15 кишидан иборат вилоят Фахрий алоқачилар кенгаши тузилиб, меҳнат фахрийси Абдураҳмон Шобоев унинг раиси этиб сайланди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири



(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

— Бир қатор масалаларни ойдинлаштириб олишимиз керак, — деди Чарлз. — Гарри, жумагача қурол топа оласанми?

— Машгулотлар тугагач, қуроллар махсус жавонга солинади ва жаноб Женнер соат бешда уйига кетади. Уйга кетаётганда қуролни жойига қўйишимни айтиб, пайшанба куни қўшимча машгулотга рухсат олишим мумкин. Кейинги машгулот бир ҳафтадан кейин бўлади, унгача қуролни қайтариб жойига қўйиб қўяман.

— Зур. Энди йигитлар, машина масаласига келсак. Энг яхшиси, Мелнинг машинаси. Банкка киришдан икки соатча олдин Мелнинг машинасида Лос-Анжелес марказига бориб олгач, бирор автомобилни ўғирлаб талончиликка йўл оламиз.

— Фаст-чи, наҳотки у ҳам бизга шерик бўлишга розилик берган бўлса? — қизиқди Мел.

— Мен барча керакли чораларни кўриб қўйганман, — уни ишонтиришга уринди Чарлз. — Шаҳарнинг японлар кварталидоги буш дўконнинг ертўласини ижарага олганман.

Чарлз шу сўзларни айтarkan, бизга манзил ёзилган қоғоз парчасини узатди.

— Фаст ҳар биримизни грим қилиш учун соатлаб вақт сарфлаши мумкин, шунинг учун кеч қолмасдан соат роппароса ўнда шу манзилга етиб келинглр.

— Тўппончаларни қаердан оламиз? — сўради мен.

— Учта тўппонча, ўқлар, дипломат ва қоплар ертўлада турибди.

Мел иккимизнинг саволларимиз тугаб, уй-уйимизга тарқалдик.

Чоршанба куни эрталаб ноуншта қилаётиб “Лос-Анжелес таймс” саҳифаларига кўз югуртирар эканман, кўрилмаганда машҳур гримчи, “Оскар” мукофоти лауреати Бенжамин Фаст қариндошининг дафи маросимини ўтказиш учун мамлакат шарқига учиб кетгани ҳақидаги хабарга кўзим тушиб қолди. Мен Чарлзлар дарс ўтиши лозим бўлган физика факултети биносига ўқдек учиб етиб бордим ва уни залда тўхтатдим.

— Даҳо режалаштирувчимиз мана бу хабарга қандай фикр билдирадилар? — дедим заҳар-



(Детектив)

Ричард ДЕМИНГ

хандалик билан.

Чарлз менга қараб кинояли илжайди:

— Қария, ўзингни бос.

Фастнинг бир неча кун студияда бўлмалигини пардалаш учун мана шундай хабар чоп этилган.

Мен чўкаётган одам хаста ёшигани каби унга илтижо қилдим:

— Банкни ўмаришни ҳар томонлама пухта режалаштириш учун яна бир марта учрашсак бўлмайдами?

Чарлз инкор маъносига бош чайқалди:

— Қолганини Фаст бизни грим қилаётганида маслаҳатлашамиз.

Жума куни биз ўқишга бормадик.

Мелнинг автомобилни белгиланган манзилдаги бино ёнига тўхтатгач, биз бир сесканиб олдик: йўлнинг шундоқ нариги бетида маҳаллий полиция бўлими жойлашганди.

Бум-буш дўконнинг тепасида “Япон антиквариати” деган кира ёзув кўриниб турарди.

Ертўла эшигини тақиллатдик ва эшик очилиб, Чарлз бизни ичкарига имлади. Биз афтидан собиқ омбухонада эдик, чунки ҳамма ёқда картон қутилар сочилиб ётарди. Чарлзнинг уйидаги йиғма стуллар ва иккита йиғма каравот ҳам шу ерда эди. Каравотлардан бирида олтмиш ёшлардаги бир киши детектив журнали ўқиб ўтирарди. У журналини бир четта ташлаб,

бизга ёвқараш қилди.

— Жаноблар, бир дақиқага! Сизларга жаноб Бенжамин Фастни таништиришимга рухсат беринглр! — деди Чарлз.

Ҳорғин, соқоллари ўсиб кетган бу кишининг аҳолини қўриб, ўзимни саволдан тия олмадим:

— Бу киши бу ерга ўз ихтиёри билан келганми?

— Албатта, йўқ, — деди Чарлз хотиржамлик билан, — чоршанба куни кечқурун уйига бостириб кириб, тўппонча тираб уни бу ерга олиб келдим.

Сўнгра эса студияга қўнироқ қилиб, ўзимни унинг дўсти деб таништирдим ва таниқли гримчи қариндошининг дафи маросимига кетганини айтдим.

— Одам ўғирлагандик учун бир умрлик қамоқ жазосини олишимиз мумкин! — бўғиқ овозда деди Мел.

— Қачонки ўғирланган одам учун пул талаб қилинса ёки унга тан жароҳати етказилса.

Биз бор-йўғи одам ўғирлаб, унинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўймаймиз холос: бу ердан чиқиб кетаётиб Фастнинг оёқ-қўлини боғлаб, оғзига латта тиқиб қўйгандим. Бу жиддий жазога тортадиган қонун бузилиши эмас. Бундан ташқари, мен унга ҳурмат билан муносабатда бўлдим.

— Энди тушундим: сен ақдан озиб қолибсан. Мен одам ўғирлаш жиноятига шерик бўлмайман ва ўйиндан чиқаман, — деди Мел.

— Иш пишган пайтда-я?! —

эътироз билдирди Чарлз. — Мана буну кўр!

У шундай деб халтадан жаноб Фастнинг буюмларини чиқарди.

— Жаноб Фаст ҳар биримизга мос келадиган гримни танлаб қўйган.

“Чарлз бу бечора кишини тирик ва соғ чиқармайди” деган фикр ҳаёлимдан яшин тезлигида ўтди. Албатта, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас: гримчи талончиларнинг ташқи кўринишини биладиган ягона гувоҳ. Аммо етмиш беш миң долларга эга бўлиш орзуси мени ўзига шунчалик ром этдики, Фастнинг ўлдирилиши ҳам талончиликдан воз кечишимга тўсқинлик қилолмасди.

Мел иккиланганча елкасини қисиб бошини қашлади:

— Нима ҳам дердим, унда жаноб Фастнинг юксак маҳоратини кўрамиз.

Гримчи жон-жаҳди билан ишга киришди. Ҳаммамизни грим қилиш учун унинг тўрт соат вақти кетди, аммо ишини олий даражада адо этди.

Махсус ёпишқоқ тасма ёрдамида у кўзларимиз ва лабларимизнинг шаклини ўзгартирди.

Қулоқларимиз ҳам бошқача кўринишга кирди, буюқлар ёрдамида сочларимизнинг ранги ўзгача тус олди, эгилувчан пластик найчалар бурнимизнинг чўзинчоқ бўлишини таъминлади, махсус қатлам эса грим изларини беркиштиб, кўринишимизга табиийлик берди.

Биз бир-биримизга диққат билан тикилганча гримни фош этадиган бирор изни топишга уриндик. Шу пайт Бенжамин Фастнинг паст овози қулоғимизга чалинди:

— Ташқари иссиқмасми?

— Аксинча, салқин, — дедим мен.

— Ундай бўлса гримнингиз оқиб кетмайди. Юзингизни буриштирмасангиз, грим соатлаб туриши мумкин. Энди кетсам бўладими?

— Йўқ, — деди Чарлз. — Афеуски, сизни охириги марта — соат еттигача боғлаб қўйишга мажбурман, қайтиб келгач, сизни қўйиб юборамиз.

(Охири кейинги сонда.)

Дилшодбек АСҚАРОВ таржимаси

► ФАРЗАНДИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Типратикан

К уз келиб, дарахтларнинг барглари тўкила бошлади. Кундуз кунлари ҳаво иссиқроқ бўлгани учун тўкилган барглр тезла қуриб қолар, босганда шитирлаб, аллақандай ёқимли овоз чиқарар эди. Алишер билан Собир кекса ёнғоқ дарахтнинг тагида тўкилган япроқлар орасидан ёнғоқ қилириб юришарди. Улардан сал нарироқда наъматак бутасининг тагида нимадир шитирлаган овоз чиқара бошлади.

Иккаловлари шовқин чиқар-

масликка интилиб, секин овоз чиққан томонга боришди. Қарасаларки, бута тагида кичкинагина типратикан турибди.

— Уни дарров тутиб олиш керак, уйча ясаб боқиб оламиз, — деди Алишер.

— Қўйсанг-чи, нима кераги бор, у жулда ёш экан, балки онаси қилириб юргандир, — деб эътироз билдирди Собир.

Алишер барибир ўз айтганидан қолмади. Хавфни сезиши билан гужанак бўлиб олган типратикани тиканакла-

ридан ушлаб, уйлари томон олиб кетди. Эртаси куни ҳафсала қилиб, кичкинагина уйча ясади. Типратикани уйчага солди-ю энди ўқитувчимиздан уни нима бериб боқиш кераклигини билиб келаман, дея мактаб томон шошиб кетди.

Собир уйча олдида анча ўтирди. Алишер эса ҳадеганда келавермади. Собир раҳми келиб, типратиканга термулиб турарди. Унинг нима ейишини билмасалар-да, олдида нон ушоқдари, у ер-бу ердан юлиб

келинган ўтларни уюб қўйишганди. Аммо типратикан уларга қайрилиб ҳам қарамали. Ҳар замонда, мени қўйиб юбор, дегандек Собирга мўлтираб қараб қўярди. Собир охири чидаб турулмади. Уйчанing эшигини очди-ю: — Бор, сени онанг излаб юргандир, — деди. Ўзи эса нарироқ бориб турди. Типратикан эшик олдида келди. Бироз турди-ю яна изига қайтди. Шу тарзда икки-уч маротаба уйчага кириб-чиқди. Ниҳоят озод бўлганга

ишонч ҳосил қилди шекилли, пилдираб кета бошлади. Анча нарироққа боргач, тўхтаб орақасига қаради. — Вой, нега анқасанг, тезроқ кетсанг-чи, — Собирнинг фоғони чиқди. Типратикан унинг гапларини тушуни, сўнг худди “Хайр”, дегандек бошини икки маротаба силкиди-ю пилдираб кўздан узоқлашди.

Собирнинг елкасидан тоғ аганагандек, енгил бўлиб қолди.

Гўзал РАШИДОВА

САККИЗИНЧИ МАРТ УЧУН ЭНГ ЯХШИ СОВГА

1-бет

Қ.Ҳайдаров,
инспекция
бўлим бошлиғи:
— Тадбирнинг
яна бир муҳим
аҳамияти
аксарият
ҳамкасбларимиз
хотин-қизлар
байрами
олдидан
яқинлари учун
энг қимматли
совга — китоб
харид қилишди.
Маърифатли
одам шундай
бўлади, ўзини
ҳам ўзгаларни
ҳам эзгуликка
чорлайди.

Кимдир ўзи харид қилган китобидан ҳамроҳига ҳам тавсия этмоқда. Яна кимдир анчадан бери излаётган асарини топганидан мамнун.

— Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема"сини бундан 25 йилча олдин ўқиган эдим. Китобда акс этган манзаралар ҳали-ҳамон кўз олдимда, — дейди инспекция бошлиғи ўринбосари Н.Соатов.

— Ушбу адиб китобларидан фарзандларим учун ҳам харид қилдим. Бу совғам уларга албатта манзур бўлади.

— Бу муассасадаги тадбиримиз биринчи мартаба ўтказилаётган бўлса-да ундан кўнглимиз тўлди, китобхонлар ўзларининг севимли асарлари билан юзма-юз бўлганидан мамнунмиз, — дейди Фафур Гулом нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири Уткир Йўлдошев.

— Йил давомида мазкур ташкилот билан сайёр китоб савдоларини ташкил этишга келишиб олдик. Икки соатдан охиқ вақт давомида аксарият китоблар сотиб бўлди.



Кўплаб шахсий буюртмалар олдик. Бизни энг қувонтиргани кўпчилик эркаклар оналари, аёли, опа-сингиллари, қизлари учун 8 март совғаси сифатида турли китобларни харид қилишди.

Нашриёт ходимлари дикий китоблар билан бирга-

ликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз", Тоҳир Маликнинг "Одамийлик мулки", Уткир Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси", Чингиз Айтматов-

нинг "Оқ кема", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Долзор", Кайковуснинг "Қобуснома" асарлари энг кўп харид қилинганлигини маълум қилишди.

Бир сўз билан айтганда, китоб ўз номи билан маърифат. Бир бинода ишлаб, ҳар куни кўришадиган ҳамкасблар китоб баҳона яна бир бир-бирларини яқиндан билишди. Китобларни ўзлар алмашиб ўқишга келишиб олишди.

Энди бу каби тадбирлар инспекциянинг ҳудудий бўлиналарида ҳам йил давомида ўтказиб борилади. Муассасанинг маънавий тарғиботига бағишланган тадбирлари бу билан чекланиб қолмайди, аксинча, бошланади. Ҳозирда бобокалонларимизнинг ибратли сўзлари, улар ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар акс этган махсус стендлар тайёрланмоқда. Энг эътиборлиси, шу стендлар асосида компания веб-сайтнинг янги қиёфаси, ташкилотнинг PR технологиялари ишлаб чиқилади.

Дилшод БҮРИЕВ,
инспекция матбуот котиби

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КУНИНГИЗ НАВРҮЗ БҮЛСИН!

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН ГҶЗАЛ

Наврўз байрамига ҳам оз фурсат қолди. Ушбу меҳр-оқибат, янгилашиш ва ободлик, инсонийлик байрамини катта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш бизда анъанага айланган.

Жамоамиз аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Қарорда байрамни муносиб кутиб олиш ва беш кунлик дам олиш кунлари ташкил этилиши муносабати билан ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўишиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Биз иш берувчи билан келишган ҳолда ходимларимизнинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатларини уюштиришга қарор қилдик.

Беш кун давомида Тошкент шаҳридаги иккита участкадан 100 нафар ходимнинг Самарқанд шаҳрига ҳамда филиалимизнинг Самарқанд вилоятидаги участкасидан 50 нафар ходимнинг Бухоро шаҳрига саёҳатлари ташкил этилади. Ходимларимиз ушбу кунлар давомида буюк аждодларимиз томонидан бунёд этилган қадимий биноларни томоша қилиш билан бирга, улуг боболаримиз қабрларини ҳам зиёрат қилишади.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берамиз. Март ойининг 10, 17-кунларида ҳашар уюштириб, янги дарахт ва гул кўчатлари ўтқазамиз. Атроф тартибга келтирилади.

Наврўз байрамини баҳорнинг шоҳ таоми — сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Аёлларимиз бу ишни ортин билан уддалайдилар. Витаминга бой бу таоми ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини атрофимизда истиқомат қилувчи фахрийлар, кам таъминотли оилаларга ҳам тарқатамиз.

Қарор ижроси билан гўзал деганларидек, Юртбошимизнинг Наврўз байрамни рисоладагидек ўтказиш ҳақидаги қарорининг тўлиқ ижросини таъминлаймиз.

Қаҳрамон САРИМСОҚОВ,
"Ўзбектелеком"АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси



ҚАДРЛАМОҚ — БУРЧИМИЗ

Инсон қадри ҳар қачонгидан қадрланаётган юрта яшаётганимиз билан бахтирмиз. Филиалимизда ҳам ходимларнинг ўз имкониятларини тўлиқ ишга туширишлари учун шароит яратиб беришга ҳаракат қиляёмиз. Улар орасида спорт мусобақаларини ташкил этиш, мусобақада оилавий қатнашишларини таъминлаш бизда анъанага айланган. Фолблар иш берувчи томонидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотланишади.

Республикаимизда нишонланадиган байрамларни жамоавий кутиб оламиз. Яқинда пойтахтимизнинг гўзал маданий масканларидан бири — "Султон" ресторанида "Аёллари қадр топган юрт" мавзуйда маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Филиалимизда фаолият юритаётган 500 нафар аёл иштирок этадиган ушбу тадбирга таниқли санъат усталарини таклиф этганмиз.

Юрган дарё — ўтирган буйра, деган мақол бор халқимизда. Ҳақиқатан ҳам ҳеч бўлмаса юртимиздаги диққатга сазовор жойларни томоша қилиш, ўзининг улдувдор ишлари, авлодларига қолдирган кўллаб-қувватлов билан маданий ва адабий мероси билан дунёга танилган азиз инсонлар манту ором топган масканларни зиёрат қилиш кишига хотиржамлик бағишлайди, қалбида гурур пайдо қилади. Шунинг ҳисобга олиб, ходимларимизнинг Наврўз кунларидаги беш кунлик дам олишларида пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатларини ташкил этмоқчи.

Бу ишларнинг ҳаммасини иш берувчининг қўллаб-қувватлови билан амалга оширамиз, албатта.

Жаҳонгир АБДИМУМИНОВ,
"Ўзбектелеком"АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси

ФАХРИЙЛАР КҶНГЛИ ШОД БҶЛДИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)нинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари бошқарма бошлиғи полковник Б.Аденов бошчилигида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатига ташир буюришди.

Кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга кўтаринки кайфият бағишлаш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу тадбир барчага манзур бўлди. Шу кунни ҳарбийлар пансионатда умргузаронлик қилаётган отахон ва онахонлар билан дилдан суҳбатлашишди, уларга байрам совғаларини тарқатишди. Бошқарма ансамбли ижросидаги концерт байрамга ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Абдуқодир ОТАБОЕВ,
Мадавий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицер-клуб бошлиғи, катта лейтенант

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Галаба кўчаси, 1-уйда жойлашган "ЕКОПРОМ ТЕХ" МҶЖ тутатилди. КТУТ 571669.

Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Галаба кўчаси, 1-уй.

Телефон: 248-15-01.

АМЕРИКА БИЗНЕСМЕНЛАРИ ОРАСИДА ТЕХНОЛОГЛАР ЭНГ САХИЙ

Ўтган йили Microsoft асосчиларидан бири Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинда Гейтс Американинг энг сахий кишилари рейтингини юқори погонасини банд этишди.

Эллик нафар энг сахий кишилар ва оилалар томонидан жами 14,7 миллиард доллар саховат ишларига сарфланган. Шу ўринда қизиқ бир фактга эътибор бериш керак бўлади: 2016 йили 5,6, 2015 йили 7, 2014 йили 10,2 млрд. доллар хайрия қилинган. Яъни жаҳон иқтисодиётидаги "буюк рецессия" саховат ишларига салбий таъсирини кўрсатишни бошлаган 2008



Билл ва Мелинда Гейтс

йилдан бери энг катта хайрия ўтган 2017 йилда қилинди.

Нега 2017 йил том маънода саховат йили бўлди? The Chronicle of Philanthropy нашрининг ёзишича, охириги икки йилда фонд бозорининг муваффақиятли ривожланиши жуда бой инсонлар пулига пул қўшди.

Билл ва Мелинда Гейтслар тўртинчи марта бу рейтингда биринчи ўринда қайд этилишди. Улар ўтган йили 4,8 млрд. доллар хайрия қилишган. Forbes маълумотларига қараганда, айни пайтда Билл Гейтснинг бойлиги — \$90,5 млрд. Уни иккинчи ўринда қолдирган, ҳозирги кунда энг

бой инсон — Жефф Безос (Amazon асосчиси) эса бу рўйхатда йўқ.

Гейтслардан энг катта хайриятини уларнинг ўз ташкилоти — дунёдаги энг йирик хусусий хайрия ташкилоти Билл ва Мелинда Гейтс жамғармаси қабул қилиб олди.

Рейтингда иккинчи ўринни яна бир машҳур жуфтлик — Марк Цукерберг ва Присцилла Чан банд этди, уларнинг бойлиги (\$71 млрд. атрофида) Цукербергнинг ўзи асос солган Facebook ижтимоий тармоғидаги улушидан шаклланган. Улар ҳам Гейтслар каби ўз жамғармаларини ташкил этишга пул ажратишди: Чан-Цукерберг жамғармаси (Chan Zuckerberg Foundation)

ҳамда Кремний водийси ҳам-жамияти жамғармаси қошидаги Чан-Цукерберг донорлик жамғармаси.

Chronicle of Philanthropy рўйхатида учинчи погонани Майкл Делл ва унинг турмуш ўртоғи Сюзан банд этишди. Улар 2017 йили хайр-саховатга 1 млрд. доллар ажратишди. Forbes маълумот беришича, Dell Computers асосчисининг бойлиги \$23,6 млрд.га тенг.

Диққатга сазовор жиҳати шуки, саховатли энг бой кишилар ва оилалар рўйхатида технология соҳаси вакиллари анчагина нуфузга эга. 2017 йили қилинган хайриятларнинг 60 фоизи ёки 8,7 млрд. доллар ана шу кишиларнинг қўли очкилиги шарофатидан.




Марк Цукерберг ва Присцилла Чан



Майкл ва Сюзан Делл

ТОП-10

"Forbes" дунёнинг 2018 йилдаги энг бой одамлари рўйхатини эълон қилди



"Forbes" журнали 6 март кун дунёнинг 2018 йилдаги энг бой одамлари рўйхатини эълон қилди. Биринчи ўринни бошқалардан катта фарқ билан "Amazon" асосчиси Жефф Безос эгаллади. Унинг бойлиги 112 млрд. доллар миқдорда баҳоланди. Иккинчи ўринни 90 млрд. доллар бойлик билан "Microsoft" асосчиси Билл Гейтс эгаллади, учинчи погонадан 84 млрд. доллар билан Уоррен Баффет жой олди.

"Топ-10"лик қуйдагича:

Исми	Компания	Мамлакати	Бойлиги (млрд. \$)
Жефф Безос	Amazon	АҚШ	112
Билл Гейтс	Microsoft	АҚШ	90
Уоррен Баффет	Berkshire Hathaway	АҚШ	84
Бернар Арно	LVMH	Франция	72
Марк Цукерберг	Facebook	АҚШ	71
Амансио Ортега	Zara	Испания	70
Карлос Слим	Grupo Carso	Мексика	67,1
Чарлз Кох	Koch Industries	АҚШ	60
Дэвид Кох	Koch Industries	АҚШ	60
Ларри Эллисон	Oracle	АҚШ	58,5

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Азим АХМЕДХАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент, Толқинмаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтаининг жума кунини чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-343 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 9125 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 21.30.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навойида 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99